

Мен 32 йил давомида қишлоқ тез ёрдам пунктида тез ёрдам автомашинаси ҳайдовчиси бўлиб ишладим. Ёшим эллик бешга тўлди. Шу иш стажим билан имтиёзли асосда пенсияга чиқсам бўлаими?

5 бет

Ушбу ҳолат юзасидан М.Абдурахимов билан ўтказилган суҳбат ва кўрсатилган амалий ёрдам натижасида яширин цех ўрнида "Омад барака мебель" МЧЖ ташкил этилиб, 8 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

7 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўшққққ



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 23-fevral, №8 (789)

Шу йилнинг 22 февраль куни "InterContinental Tashkent" меҳмонхонасида Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш" лойиҳаси тақдимотига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро анжуман

Лойиҳа тақдимотига бағишланган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Парламенти аъзолари, қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда халқаро экспертлар, шунингдек, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатни ислох этиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган. Уларни ҳаётга жорий этишда халқаро ташкилотлар билан йўлга қўйилган кенг ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Ҳозирда Ўзбекистон БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа институтлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамияти каби қатор тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган.



Самарали учрашув

Ўзбекистонга Европа Иттифоқи ҳамда Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси ва Франция вазирликлари, сулалари ва прокуратуралари вакиллариан иборат делегациялар ташриф буюриб, Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш" лойиҳасининг расмий очилишига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этдилар.

Б.ЖОНИКУЛОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

тифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ҳамкорлик истиқболлари, шу жумладан, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларига прокуратура органлари ходимларини масофадан ўқитиш тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув ниҳоясида ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга туртки бўлган мазкур музокарадан мамнулик билдирилди.

Қабул хайрихоҳлик ва дўстона вазиятда ўтди.

Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров Франциянинг Бош прокуратура, Адлия вазирлигининг Халқаро алоқалар ҳамда Европа ҳамкорлиги масалалари бўйича департаменти, ҳужжатлаштириш, тадқиқот ва ҳисобот маркази, Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик агентлиги раҳбарлари, халқаро экспертлар ва лойиҳа координатори таркибидан иборат делегациясини қабул қилди.

Учрашув давомида Ўзбекистон ва Франция ваколатли

органлари ўртасида ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалаларни музокара қилиш имконини бераётган учрашувлар натижасида ривожланиб бораётган ўзаро алоқалар таъкидланди.

Учрашув иштирокчилари ҳар иккала мамлакатда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақидаги маълумотлар билан ўзаро алмашиб, мазкур тизимлардаги фарқларга ҳам тўхталиб ўтдилар.

Шу билан бирга, Европа Ит-



Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликдаги "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар асосан уч йўналишда олиб борилади. Яъни, салоҳиятни юксалтиришнинг узоқ муддатли режаси, касбий тайёргарлик ҳамда моддий-техника таъминоти йўналишларидир. Ҳусусан, бенефициарнинг Республика Адлия вазирлиги билан ҳамкорлиги қонунчиликни такомиллаштиришга, "Хабеас корпус" институтини янада кенгайтиришга қаратилган янги меъёрларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш, юристлар малакасини ошириш соҳасида масофадан туриб ўқитиш тизими ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон кутубхонасини яратиш, шунингдек, кадрлар малакасини оширишнинг миллий ва Европа тажрибаси асосида илмий тадқиқотлар олиб боришидир. Лойиҳада бошқа миллий ҳамкорлар — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Олий суд ҳузурдаги тадқиқот маркази билан грант соҳибининг биргаликдаги фаолияти йўналишлари ҳам аниқ белгиланган.

Анжуманда экспертлар лойиҳа доирасидаги комплекс чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этишда муносиб ҳисса қўшишни алоҳида таъкидладилар.

Лойиҳа ижросини Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси бўлиб, Франция халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик агентлиги, Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги академияси, Шимолий Ирландиянинг хоризий давлатлар билан ҳамкорлик ташкилоти унга халқаро ҳамкорлик қилса, мамлакатимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ҳузурдаги тадқиқот маркази миллий ҳамкорликни амалга оширади.

Халқаро анжуманда янги лойиҳанинг ҳаракат режаси кўриб чиқилиб, секцияларнинг мажлисида янада кенг муҳокама қилинди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Анжуман якунида халқаро экспертлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб бердилар.

Ўз мухбиримиз

Аҳамиятли лойиҳа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар олиб борилаётган. Шунингдек, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган халқаро қонун ҳужжатларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш, уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Жиноят процессида давлат сиёсати даражасида аҳамиятга молик бўлган устувор йўналишлардан бири сифатида "Хабеас корпус" институтини қўллашни янада кенгайтириш, судларда маъмурий ишларни юритиш тизимини ислох қилиш ўта муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ўз навбатида, ушбу ислохотларни бевосита амалга таъбиқ этишда прокурор-тергов ходимларининг касбий малакаларини доимий равишда ошириб бориш масалаларини ҳал этиш зарурати юзга келади.

Ҳусусан, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан прокуратура органлари ходимларини касбий ва малакавий кўникмаларини оширишда уларга юридик фанлар, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг илғор ютуқларини ўргатиш, назарий билим ва амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириш, замонавий компьютер технологиялари, глобал ахборот тармоқлари имкониятларидан фойдаланиш борасидаги билимларини чуқурлаштириш

Т.УМАРОВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК бошлиғи

каби фаолият амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу мақсадга эришишда ўзаро тажриба алмашиш, хоризий мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш фаолияти билан шугулланувчи муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиш, ривожланган хоризий мамлакатлар прокуратура органларининг малака ошириш ўқув муассасалари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий малакаларини оширишда халқаро қонун ҳужжатларини ўзида акс эттирган услубий ва амалий қўлланмалар ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига бағишланган илмий адабиётларни етарли даражада, деб бўлмади.

Мазкур масалаларни ҳал этишда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий ахборот базаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш тизимини ҳамда прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш" лойиҳаси прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш жараёнлари самарадорлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кун тартибидаги вазибалар

Шавкатбек ИСОМИДИНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Андижон вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, МХХ, Божхона, ИИБ, ИИБ ЭХБ, Суд қарорларини ижро этиш ва моддий-техник таъминлаш Департаменти таркибий тармоқлари бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишда 2011 йилда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори ижроси, жорий йилда тезкор-қидирув фаолиятининг тақчиллаштирилиши ҳамда бу борадаги прокурор нозорати аҳолини ўрганиш натижалари, ўтган йилда вилоят ИИБ ЭХБ томонидан Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг келгусидаги вазибалар муҳофаза қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққанлар вилоятда ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар билан биргаликда йўқ қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларига тўхталдилар. Шунингдек, ҳудудлардаги жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳақида шахар-туман прокурорлари ва ИИБ бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилиш якунида, соҳа ва ҳудудда қонунийликни таъминлаш, ишларни қонунийлик ва жиноятчилик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш, назоратнинг таъсирчанлигини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлик, соғлиқни сақлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, боқиманда қарзларни қайтариш, ҳудуддаги жиноятчилик аҳоли ва криминоген вазиятни мунтазам таҳлил қилиб бориш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш ҳамда профилактика чораларини кўриб бориш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, ҳудудимиз чегаралари назоратини қучайтириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга қaratилган қонуний ижроси ҳамда бунга масъул идораларнинг фаолияти, вояга етмаганларга оид қонуний ижроси устидан назоратни қучайтириш, иш билан бандлик чораларини кўриб бориш юзасидан қатор вазибалар юқлатилди.

Шунингдек, 2012 йил — Мустақкам оила йили, деб эълон қилинганлиги муносабати билан оилани, айниқса, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг жамиятдаги ролини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига эътиборни қучайтириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Иқтисодиётимизни янада юксалтириш вазифаси СВОЖЖДЛҚК Департаменти хошимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкляди. Валютага оид жиноят ва ҳуқуқбузарликларга ҳамма жиний фаолиятдан олдинг зароматларини легаллаштиришга қарши курашиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг янги кўришиларишарини фож этиш, қонунийлишини оқибатида етказилган иқтисодий зарарини ўз вақтида аниқлаб, ундириб олиш учун фаолиятимизни янада тақомиллаштиришимиз лозим.

Ҳамкорлик самараси

Департаментнинг вилоят бошқармаси бу борада Қарши шаҳар бўлими билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Валюта қимматликларини ноқонуний равишда муомалага киритиш юзасидан 2011 йил 27 сентябрь кунин Қарши шаҳарида ўтказилган тадбирда Ж.Ибадуллаев "Дамас" русумли автомобильда Б.Бозоровга 3 минг 400 АҚШ долларини 8 млн. 160 минг сўмга сотган вақтда ушланди. Унинг ёнидан 450 Россия рубли ҳамда чет эл валютасини сотишдан тушган 201 минг 600 сўм пул ва жиноятни содир этиш воситаси сифатида фойдаланилган "Дамас" автомобилнаси ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими томонидан Ж.Ибадуллаевга нисбатан ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

2011 йил 27 сентябрь кунин Қарши шаҳридаги бозорлардан бири яқинида ўтказилган тадбирда валюта қимматликларини но-

Дилшод АЛИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори
Шухрат ЗОКИРОВ,
Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи

қонуний равишда муомалага киритиш билан боғлиқ яна бир жиний ҳолат аниқланди. Шу кунин Фахриддин Кундузов Ф.Хайитовдан 2 минг 400 АҚШ долларини 6 млн. сўмга баҳолаб, келишилган сумманинг 5 млн. 500 минг сўмини бериб, қолганини кейин бериш шарти билан сотиб олган вақтда ходимларимиз томонидан ушланди. Ундан 5 млн. 500 минг сўм пул ҳамда 100 АҚШ долларини ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ф.Кундузовнинг қонунга зид ушбу хатти-ҳаракати юзасидан ҳам қонуний чора кўрилди.

Шунингдек, коррупция, солиқ соҳасидаги жиноятчилик, давлат ва жомоат мулкни ўзлаштириш, талон-торож қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятларни аниқлаш ва тегишли чора кўриш борасида ҳам ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиёти асосларига зарар етказувчи бундай жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ниҳоятда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Нафси ҳақалак отганлар

Дорилмомон замона яшашимиз Тўкин-сочинлик... Ишлайман, бахтимни топаман, деганларга ҳамма имкониятлар бор. Лекин ундан ким қандай фойдаланапти? Баъзида ўйлаб қоласиз...

Айрим кимсаларни ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишга нима етакляпти?! Ахир, инсоннинг она қориндан жиноятчи бўлиб туғилмаслиги барчага аён-ку! Хўш, ундай бўлса, бундай ҳолатларнинг илмизи қаерда?

Фикримизча, бу-нинг сабаби, фуқароларнинг ҳаётда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб етмасликларида, қолсаверса, давлатимиздаги қонун-қоидаларини яхши билмасликларида бўлса керак. Шу ўринда яна бир жиҳатни ҳам ҳисобга олиш кераки, айрим кимсалар қонун-қоидаларни, тартиб-интизомни умуман менсимайдилар.

Маълумотларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикасида 2011 йилда умумий жиноятчилик бироз ўсган бўлса-да, маст ҳолатда жиноят содир этиш, ишсиизлар, муқаддам судланганлар ва ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ўтган йилларга нисбатан кам қайд этилди. Шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар 1,9 фоизга, оғир жиноятлар 7,19 фоизга, ўта оғир жиноятлар 6,7 фоизга, хотин-қизлар томонидан қилинган жиноятлар эса 16,1 фоизга камайган. Ноқонуний жиний жавобгарликка тортиш, ҳибсага олиш ҳолатларига йўқ қўйилмади.

Шундай бўлса-да, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳали-ҳануз порахўрлик жинийоти гойиҳа бўлса-да, узраб турибди. Қорақалпоғистон ИИБ йўл ҳаракати йўл-патрул хизмати отряди инспектини кўчма гуруҳининг инспектори Рустам Қурбонбоевнинг нафси ҳақалак отди, шекилли, порахўрликка қўл урди. Беруний тумани ҳудудда "Нексия" автомобилнаси хайдовчи А.Бегимовдан ҳужжатларни олган инспектор уни спиртли ичимлик истеъмол қилганликда гумон қилади ва Беруний тумани тиббиёт бирлашмасига олиб боради. Тиббий қўриқда А.Бегимовнинг энгил даражадаги маст эканлиги аниқланади. У ердан чиқишга, Р.Қурбонбоев: "Агар менга 200 минг сўм пул берсанг, қўйиб юбораман. Бўлмаса, автомобилнани қамайман", дея таҳдид қилиб, хайдовчидан пора сўрайди. Хайдовчинини маънавий, 100 минг сўмга келишадилар ва у тузилган баённомани йиртиб ташлайди.

Тахтакўпир тумани ИИБнинг автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улاردан фойдаланиш қоидалари ва

Давлатбой ЕЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи
Нуриддин ОКНАЗАРОВ,
«Нуқид»

тартиби бажарилишини назорат қилиш гуруҳининг маъмурий ҳуқуқбузарлик материалларини кўриб чиқиш бўйича инспектори лавозимида фаолият юритган З.Сариев ҳам жиноятга қўл урди. У фуқаро М.Мустафоев ВАЗ-2106 русумли автомобилнаси маст ҳолда бошқариб келаётганлигини аниқлайди. Лекин инспектор ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмаглик эъвазига хайдовчидан 400 минг сўм пул сўрайди. Ва хизмат хонасида М.Мустафоевдан 400 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган пайтда қўлга олинади. Шунингдек, З.Сариевнинг 2011 йил июнь ойи давомида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги бўйича туманда яшовчи 35 нафар фуқарога расмийлаштириб, чора кўриш учун юборилган баённомалар ва 1 млн. 300 минг сўмдан ортиқ миқдордаги жарималарни ундириш чораларини кўрмаганилиги ҳам маълум бўлди.

Хар икки ҳолат юзасидан айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Имконият берилганда...

Инсонга бир бор берилган ҳаётни ҳар сафар қайтадан бошлашнинг илоҳий йўқи. Фақат билмай-билмай қилинган хатолардан тўғри хулоса чиқариш, бундан кейинги қаламларини ўйлаб босишга имконият яратиш бериш мумкин, ҳолос. Айниқса, билмай-билмай жиноят кўчасига кириб қолганлар учун бундай имконият жуذا катта аҳамиятга эга. Амнистияни шунга қиёс қилиш мумкин.

Р.АБУЛҲАИРОВ,
Миробод туман прокуратураси катта терговчиси

Адашиб жиноятга қўл урган, бундан минг пушаймон бўлиб, астойдил афсус-надомат чеккан инсонни имкон қадар кечириб, тўғри йўлга солиш — эълон қилинган амнистия актири мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорини қўллади. Ундан ашъвий далил сифатида олинган 9 минг 145 АҚШ доллари, 1 минг 200 Россия рубли, 10 минг Корея вони ва 2.468 сўм давлат фойдасига ўтказилди.

Миробод тумани Кўйлик 3-даҳасидаги "Чебурашка" истироҳат боғида ўзларининг "қулларини намойиш қилган" вояга етмаган Мавлудхон Хайдарова ва Фарида Холовалар бугун ўз қилмишларидан пушаймон. Коллеж талабалари бўлган бу қизлар жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимай, ўз тенгдошлари М.Нуруллаевани уриб, унга тун жароҳати етказишган. Натijaда жабрланувчи олган жароҳатлари билан шифохонага мурожаат қилган. Суд-тиббий экспертизаси хулосасига қўра, унга энгил тун жароҳати етказилган.

Суд мажлисида судланувчилар М.Хайдарова ва Ф.Холовалар ўзларига нисбатан амнистия актини қўллашни сўраб, ариза билан мурожаат қилишган. Суд Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 7-бандига асосан улларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тутғатилиш лозим топди.

Кўриб турганимиздай, ҳар икки ҳолатда ҳам қилмишидан пушаймон бўлган юртдошларимиз кечирилди. Бирида тайинланган жазодан озод қилинган бўлса, кейингисидеда жиноят иши ҳаракатдан тутғатилди. Бу улларга тўғри йўлни танлаб олишлари учун берилган имкониятидир. Ўйлашимизки, қўлланилган амнистиядан уллар ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишидир.

Суд содир этилган жиний қилмишининг жавобгарликни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи томонлари, ижтимоий хавфилик даражасини ва унинг шахси, оилавий шартини инобатга олиб, унга нисбатан Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорини қўллади. Ундан ашъвий далил сифатида олинган 9 минг 145 АҚШ доллари, 1 минг 200 Россия рубли, 10 минг Корея вони ва 2.468 сўм давлат фойдасига ўтказилди.

Махсус қоида

ёҳуд ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлик доираси

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, бу муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланганда ҳамда ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга қатъий амал қилиб боради.

Биз учун долзарб бўлган, яъни республикада жиноят содир этиб, тергов ёки суддан бошқа давлат ҳудудига яширинган шахсларни ушлаб келтириш (экстрадиция қилиш) масаласи ҳам халқаро шартномалар билан тартибга солинади. Шу сабабли ушбу ҳолатда халқаро шартномалар шартларига сўзсиз риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

Экстрадиция қилиш жараёнида асосий қоидалардан бири "Махсус қоида" (ёки "аниқлик қоидаси") деб номланган, айбдорнинг ушлаб берилиши сўралган жинояти учунгина судланиши ва жазоланиши мумкинлигини назарда тутди.

Бу қоида ҳар қандай экстрадиция фақатгина томонларнинг келишуви билан амалга оширилишига асосланади. Ушлаб берган давлатнинг розилигисиз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазолаш, бошқа давлатга ушлаб бериш ўша давлат манфаатларини поймол этиш ва суверенитетини ҳурмат қилмаслигини аниқлатади.

Аслида, махсус қоидадан келиб чиқишига экстрадиция жараёнида амал қилаётган икки тарафли, яъни содир этилган қилмишнинг ҳар иккала давлатда жиноят ҳисобланиши ҳамда сиёсий мақсадлар учун ушлаб бермаслик асос бўлган.

Шахс яширинган давлатнинг ваколатли органлари экстрадиция ҳужжатларини кўриб чиқишида, аввало, ушлаб берилиши сўралаётган шахснинг қилмиши ўша давлат қонунчилигида жиноят ҳисобланиши, у учун жазо назарда тутилганлиги ва бошқа шартларнинг мавжудлигини ўрганади. Шунинг учун сўраётган давлатга шахс ушлаб берилгандан сўнг, унинг бошқа жиноятларни, шу жумладан, алоҳида эпизодларни ҳам содир этганини ёки фош этилиши, ушлаб берган давлатнинг розилиги қайта олиниши зарур (ҳудди шу шахс ҳали ушлаб берилмаган-дек).

Махсус қоида экстрадициядан шахсни бир жиноятга оид айблов билан бошқа қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида фойдаланишнинг олдини олишга кафолат беради.

Ушбу қоида экстрадиция (ушлаб бериш) тўғрисидаги ақсарият халқаро шартномаларга тааллуқлидир. Махсуслик тамойилнинг умум-этироф этилишини Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Ушлаб бериш ҳақидаги намунавий шартномада (14-модда - "Rule of specialty") ўз аксини топган.

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича шахсларни ушлаб бериш масалаларини тартибга солуви ўзбекистон Республикасининг барча халқаро шартномаларида экстрадиция қилинган шахснинг жавобгарлиги доирасига оид меъёрлар мавжуд. Жумладан, МДҲ дои-

расида ҳамкорликнинг асосий ҳужжати бўлган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенциянинг (Минск, 1993 йил 22 январь) 66-моддасига мувофиқ, ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунга қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши ёки жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас.

Шунга ўхшаш меъёрлар Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги 1999 йил 8 ноябрдаги экстрадиция тўғрисидаги, Хиндистон, Эрон, Покистон, Корея Республикаси, Болгария билан тузилган икки томонлама битимларда ҳамда жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида Туркия Республикаси, Латвия, Литва ва Чехия билан тузилган шартномаларда ҳам мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислоом Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги битимнинг (Техрон, 2000 йил 11 июнь) "Ушлаб берилган шахсни жазолашда чеклашлар" деб номланган 10-моддасига кўра, ушлаб берилган шахс сўралаётган давлатнинг розилигисиз сўривда кўрсатилганидан бошқа ҳуқуқбузарлик учун жазого тортилиши, учинчи давлатга бериб юборилиши мумкин эмас. Ҳудди шундай норма Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги шартноманинг (София, 2003 йил 24 ноябрь) 18-моддасида ("Махсус қоида") ҳам мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ҳам шундай норма мавжуд (600-модда — Ўзбекистон Республикасида ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси, аввалги 9-модда). Мазкур моддага кўра, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунга қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга топширилиши мумкин эмас.

Бу модда амалиётда қандай қўлланилади?

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тергов органи тақдим этган материалларга асосан хорижий давлатнинг ваколатли органига, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлиги учун қидириладиган шахсни ушлаб бериш ҳақидаги сўриво юборилиб, бунга розилик олинди, дейлик.

Шахс этап қилиб келингандан кейин ўтказилган тергов натижасида у яна бир қотилликнинг содир этилишига алоқадорлиги аниқланиб, унинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг "а" бандига қайта малакалаш зарурати юзга келмоқда. Бундай вазиятда тергов органи томонидан ЖКП 600-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда

У.НИГМАДЖОНОВ,
Бош прокуратура бўлим
бошлиғи ўринбосари

хорижий давлатнинг розилигини олиш учун тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали ўша давлатга юборилиши шарт бўлади. Хорижий давлатдан рад жавоби олинган тақдирда шахс фақат ЖК 97-моддасининг биринчи қисми билан айбланиши мумкин.

Энди бошқа бир ҳолатни кўриб чиқайлик. Босқинчилик қилгани учун шахсни ушлаб бериш ҳақидаги сўров хорижий давлат томонидан қаноатлантирилди, дейлик. Шундан сўнг тергов жараёнида ушлаб берилган шахсга муқаддам ўғрилик қилгани учун ахлоқ тузатиши ишлари тартибда жазо таъинлангани, лекин у жазони ўташдан бош торганини учун жазонинг ўталаман қисмини шу муқдатга озодликдан махрум қилиш жазосига алмаштириш тўғрисидаги суд ажрими мавжудлиги аниқланган. Бундай ҳолатда тергов органи, шахс ўзи содир этган ва жазосини ўташдан бўйин товлаган бу жиноятини ушлаб берилгунга қадар содир этганини эътиборга олиб, суд ҳукми (қарорининг ижро этилиши учун хорижий давлатнинг розилигини олиш учун яна ўша тартибда муқаддам қилиш лозим. Ана шундай розилик олинган кейингина шахс суд томонидан унга белгиланган жазого тортилиши мумкин бўлади.

Назаримизда, ушлаб берилган шахсга нисбатан ишнинг судда кўрилиши давомида унга оид бошқа ижро қилинмаган ҳукми мавжудлиги аниқланган тақдирда ҳам хорижий давлатнинг розилигини олиш масаласи суд ва давлат айбловини қувватлаётган прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали ҳал қилиниши лозим.

Шу муносабат билан терговчилар, тергов бўлимларининг бошқалари, шунингдек назорат қилувчи прокурорлар экстрадицияга оид материалларни тайёрлашда қидириладиган шахсга қўйилган айбловнинг тўлиқчилиги, жиноий қилмишларнинг тўғри малакалаганига эътибор беришлари, ижро этилган ҳукмлар мавжудлигини текширишлари ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ҳулоса қилиб айтганда, халқаро ҳуқуқда ва миллий қонунчилигимизда назарда тутилган ушлаб берилган шахснинг жиноий жавобгарлиги доираси ҳақидаги қоида жиноят процессида инсон ҳуқуқлари кафолатлари билан бўлиб қилинади ҳамда амал қилиниши, ҳурмат билан муносабатда бўлиниши шарт бўлган халқаро мажбурият саналади.

Бунда, Жиноят-процессуал кодекснинг 600-моддаси ҳамда халқаро шартномаларда мустаҳкамланган ушлаб берилган шахсга нисбатан жиноят ишини юритиш натижалари ҳақида хорижий давлатни талам равишда хабардор қилиш ёзда махсус қоидага риоя қилиниши таъминловчи механизм вазифини бажаради. Бу норманинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси эса прокуратура юқлатилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар жаҳондаги деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, нисбатан ёш бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Бу соҳадаги жиноятлар бозор иқтисодиётига хос бўлган хусусий мулкчиликнинг, бошқа турдаги мулкнинг муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсқинлик қилади.

Иқтисодий барқарорлик омили

Ш.СОҲИБНАЗАРОВ,

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тинловчиси

Иқтисодий ҳавфсизлик ўзгарувчан ва бекарор хусусиятга эга бўлганлиги боис, уни кўпроқ ўрганиш, келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни илмий таҳлил этиш орқали олдини олиш ва унга қарши курашиш услубларини тақомиллаштириб бориш керак бўлади.

Рўй бераётган воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда кримноген омиллар қатор мамлакатларнинг иқтисодиёт тармоқлари тараққиётига, мавжуд ҳолатига ва энг асосийси, иқтисодий ҳавфсизликка сезиларли даражада таъсир этиб келмоқда. Мамлакат иқтисодий ҳавфсизликка ички таҳдидлардан бири — солиқ ва валютасидаги жиноят қўламининг кенгайиши ҳисобланади. Шу билан бирга, жиноий даромадларни легаллаштириш масаласи ҳам иқтисодий ҳавфсизликка бевосита таҳдид сифатида эътироф этилади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистоннинг халқаро ҳам-жамиятдаги сиёсий ва иқтисодий мавқеини қўтариш, миллий манфаатларини рўбega чиқариш ҳамда мамлакатда иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашда, айнан, юқорда эътироф этилган иқтисодий жиноятларни ўз вақтида илмий ва назарий ҳамда амалиёт жиҳатдан кўриб чиқиши тараққа эътиди.

Мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётига салбий таъсир этувчи мазкур жиноятларга қарши кураш самарасини таъминлаш учун миллий қонунчиликни халқаро битимлар талабларига мувофиқлаштириш, халқаро ҳуқуқ меъёрларини имплементация қилиш, иқтисодий жиноятлар тизимида жиноий ҳуқуқий муносабатларда ўзаро ёрдам кўрсатиш, илмий-техникавий ахборотлар ва тажриба алмашилиш борасидаги давлатлараро ҳамда ҳукуматлараро битимлар тузиш ва ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Исроом Каримов бу каби ҳолатларнинг мамлакат аҳолиси ва умуман жамият ҳаётига салбий таъсирини таъкидлаган ҳолда шундай фикрларини билдириб ўтади: "Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантириладиган бир пайтда аҳолининг асосий кўнчилиги бозор шароитида яшашни эътиборга ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонуналарини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта ҳавф туғдиради.

Жиноятчи унсурларнинг янги ҳўжжали муносабатларни таъминлаш қилантириш жараёнида фаол ва ҳуфийна иштирок этиш жамиятда аҳолининг вазиётига таъсирини туғдиради. Бу эса, мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номмақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади". Нопок йўл билан бойлик орттирилган ҳазордан кутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини химоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиши лозим. Ававалига бу иш нопок даромад манбаларини сақлаб қолиш, улардан кафолатли фойдаланиш мақсадида ҳокимият тузилмалари билан алоқа боғлаш ва бу алоқани мустаҳкамлашдан бошланади. Шундан сўнг ҳокимиятнинг ўзи ҳам қўлга киритилади. Ваҳоланки, мазкур ҳавф жамиятда кузатилса, нафақат иқтисодий ҳавфсизликка, шу билан бирга, сиёсий ҳавфсизликка ҳам бевосита таҳдид сифатида намоён бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва бартафат этиш билан боғлиқ масалаларда амалий ишлар қўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳолатни яна қуйидагича ҳам талкин этиш мумкин, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс томонидан ўз фойдасини кўзлаб амалга оширилаётган ва жамият ҳамда фуқароларнинг қонуний иқтисодий манфаатларига пугур етказиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликка иқтисодий жиноят сифатида баҳо бериш мумкин.

Ҳулоса қилиб айтганда, барқарорликнинг муҳим омили сифатида қаралаётган иқтисодий жиноятларга қарши кураш масаласи бугунги давр ҳамда эртанги кун билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган вазиёфади. Айнан иқтисодиёт соҳасидаги иқтисодий ҳавфсизликка қарши курашда, яъни солиқ ҳамда валютасида жиноятларга қарши курашишда, энг аввало, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ва фактларга бой бўлган радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларда эса жиноят содир этиб, жазо ўтаётган ёки жазони ўтаб қайтган шахслар билан сўхбатлар уюштирилиши, иқтисодиёт соҳасидаги қонунчилик шарҳларнинг бериб борилиши шундай жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади. Жиноят учун жазонинг муқаррарлиги тамойилни профилактик тадбирларнинг асосини ташкил қилмоғи лозим.

Ҳуқуқнинг кафолати — қонун

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кирганига ўн беш йилдан ошди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат фуқаролик жамиятининг зарур эhtiжэ ўлароқ қабул қилинганлиги шубҳасиздир. Зеро, биз кураётган бундай жамиятга фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқлари ҳимояси бирламчи аҳамият касб этади.

Мазкур қонун талабларига кўра, давлат истеъмолчиларининг товар (иш, хизмат) сотиб олиши ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Шу нўқтани назардан, ваколатли давлат органлари, қолаверса, тегишли нодавлат-нотижубар ташкилотлар томонидан мазкур соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, бир қатор ихобий натижаларга эришилганлигини яхши биламиз.

Шу билан бирга, ўтказилаётган прокурор назорат тадбирлари бу борадаги қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларига ҳам йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, ваколатли давлат идоралари томонидан бозорлар ва бошқа оммавий жойларда амалга оширилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятида истеъмолчилар ҳуқуқларининг таъминлишини устидан назорат лозим даражадаги ўрнатилмагани оқибатида истеъмолчиларнинг соғлиғи ва ҳавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган махсулотлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳолатлари жуда кўп ва учрамоқда. Масалан, фуқаро Ж.Усмонов "Поп деҳқон бозори" МЖХ ҳудудида сифати ва бошқа жиҳатларини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларсиз қиймати 102 минг сўмлик ўсимлик ёғини сотаётгани аниқланди, унинг жиний жавобгарлик масаласи ҳал қилинди. Са-

марқанд шахридаги "Дамарик деҳқон бозори" ҳудудида фуқаро Р.Яхёев эса санитария-гигиена нормаларига риоя қилмаган ҳолда гўшт махсулотлари савдоси билан шуғулланиб келгани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Аҳолига қундалик эhtiжэлари учун зарур бўлган ун ва ёғ махсулотларини сотиш жараёнида ҳам қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Масалан, "Измил глобал трейд" ХК раҳбари А.Халилов 36 млн. сўмлик ёғ, 40 млн. сўмлик ун, "Ал шафоат барака плюс" ХК раҳбари Б.Мамаджанов 9 млн. сўмлик ёғ ва 84 млн. сўмлик ун махсулотларини Тошкент шаҳар маҳаллалари аҳолига белгиланган нархларда сотилгани тўғрисида сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, аслида бошқа жойларда қиммат нархда сотиб, ноконуний равишда даромад олиб келганлар. Уларнинг мазкур жиний фаолиятларига Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Бинали моддий манфаатдорлик эвазига ҳомийлик қилиб келгани ачинарли ҳолдир.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят иши тергов натижаларига кўра, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаруви яширин цехлар ва тегишли лицензияга эга бўлмаган хизмат кўрсатувчи корхоналар

фаолияти наинки иқтисодиётимизга, балки инсон саломатлигига жиддий ҳавф солишига ортиқча изоҳ шарт эмас. Шу боис, бундай жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги назорат тадбирларида ҳам қатор қонунбузилиши ҳолатлари фош этилди. Масалан, Наманган туманида яшовчи Б.Каримов ва Х.Ваҳобовлар яшовчи хонадонига қўлбола усулда ясалган мойжувоз ўрнатиб, ноконуний равишда пахта ёғи ишлаб чиқариш ва қайта сотиш, Қўрғонтепа туманидаги "Садаф" жамоа корхонаси мансабдор шахслари эса, тегишли лицензия олмастан туриб, тиш даволаш фаолияти билан шуғулланиб келганлар.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шунингдек, таҳлиллар коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузилиши ҳолатлари энг кўп учраётган соҳалардан бири эканини кўрсатмоқда. Бу борада аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига прокурорлар томонидан тегишли муносабат билдириб келинмоқда. Жумладан, 2011 йил октябрь ойида Урганч шаҳридаги Пахлавон Махмуд кўчасининг электр таъминоти тасдиқланган графикдан ташқари 46 марта узиб қўйилганлиги учун "Хоразм электр тармоқлари" ОАЖ диспетчерлари П.Юлдошев, М.Юлдошев, З.Худайбергенов, Ж.Усмонов ва Б.Рўзметов прокурор қарори

билан интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Шаҳрихон туман электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари эса, тумандаги "Қайрағоч гузар" маҳалласида яшовчи Б.Эргашев ва бошқа истеъмолчилар зиммасига 24 млн. сўмлик, Қибрай туман электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари З.Қўчқорова ва яна уч нафар фуқароларнинг зиммасига 115 млн. сўмлик ҳақиқатда етказиб берилмаган электр энергиясини ҳисоботларда қарздорлик сифатида ўтказиб, уларнинг манфаатларига зарар етказганлар. Шу каби "Янгибозор тумангаз" филиали томонидан ҳақиқатда етказиб берилмаган табиий газ учун 2,9 млрд. сўм ноқарз аҳоли ҳисобига ноконуний тақсимланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қайд этилган корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда электр, табиий газ, иссиқлик энергияси, сув таъминоти ва бошқа корхоналар мутасаддилари томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчилардан ундирилган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари кўп ва учраётгани таассуфланарли ҳол эканини қайд этиш лозим. Масалан, "Водийгазтаъминот" УК Хўжаобод туман филиали назоратчиси У.Махмудов ўзига бириктирилган ҳудудда яшовчи истеъмолчилардан ундирилган 2 млн., Андижон шаҳар филиали назоратчиси А.Болтабоев 1 млн. сўмни ўзлаштирганлар.

Бехзод ИСМОИЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

Ёки Самарқанд шаҳридаги "Маърифат ниҳол сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида 3 млн., Тошкент шаҳридаги "Samodagi Parvoz" ширкатида эса, 9,6 млн. сўм микдорда истеъмолчилардан йирилган пул ўзлаштирилган.

Бу каби ҳолатлар Андижон, Хонка, Иштихон туманлари газ таъминоти, Касби, Қизилқум туманлари электр тармоқлари, Каттақўрғон шаҳар "Сувқоқова" корхоналари, "Тошиссиққуввати" ИЧБ Сергели туман филиали, Андижон, Галлаорол ва Узун туманлари почта алоқа тармоқлари фаолиятида ҳам аниқланган.

Прокуратура органлари томонидан ўтган 2011 йилда мазкур соҳада ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 2,5 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлшар орқали аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилди. Бу борада прокурор назорати тадбирлари давом эттирилмоқда.

Фикримиз яқинда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мақоламиз аввалида қайд этганимиздек, ҳуқуқ қонун билан кафолатланади. Барча қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бурч ва масъулиятлари ифода этилган. Шундай экан, қонунийликни таъминлаш, қонунни бузган шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш табиий жараён ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий жамиятнинг талаби ҳам шу.

Биламизки, прокуратура органлари зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланган манфаатлари, шунингдек, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазибалар юклатилган. Бугунга келиб, бу борадаги изчил фаолият ҳамда ҳуқуқий ислоҳотлар самараси ўлароқ, кишилар онгига прокуратура ҳақидаги тасаввур кескин ўзгарди. Энциклопедия фуқаролар мазкур тизимни қонун ҳимоячиси деб билиб, ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси масаласида унинг кўмағига таянмоқдалар.

Наманган вилоят прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатлари ҳал этилишида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят, шаҳар ва туман прокуратуралари томонидан фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳар ярим йилда умумлаштирилиб, ҳайъат ва тезкор йиғилишларда муҳокама қилинмоқда. Аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Таҳлилларга кўра, вилоят прокуратура-

Мурожаатлар эътиборда

си органларига 2010 йилда 6358 та муносабат келиб тушган бўлса, 2011 йил давомида бу кўрсаткич 6205 таши ташкил этди, яъни 3 фоизга камайди. Уларнинг аксарияти бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, шундан 667 таси қаноатлантирилди.

2011 йилда 2891 нафар фуқаро прокуратура органларида шахсий қабулда бўлиб, 2215 нафари бевосита вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган. Мурожаатларни ҳал этиш давомида 1041 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Вилоят прокурори ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳафтада икки мартадан, шаҳар ҳамда туман прокурорлари ва унинг ўринбосарлари томонидан эса ҳар иш куни фуқароларни қабул қилиш қатъий йўлга қўйилган. Қайд этиш жоизки, вилоят прокуратураси органлари томонидан 686 нафар фуқаро ва юридик шахс меҳнат жамолари ва яшаш жойларида қабул қилиниб, уларнинг муносабатлари қонуний ҳал этилган.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини ҳал этиш давомида қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш борасида 447 та назорат ҳужжатлари қўлланилди. Массулиятсизликка йўл қўйган 115 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий, 142 нафарига эса маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилган. 773092 минг сўмлик зарарини ундириш борасида судларга 56 та

даъво аризалари киритилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 41 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Мазкур жиноят ишларининг 19 таси мансабдор шахсларга нисбатан қўзғатилган.

Жумладан, Учқўрғон туманида яшовчи фуқаро М.Умаров ва бошқалар тумандаги 38-автокорхона мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб туман прокуратурасига ариза киритган. Текшириш жараёнида корхона мансабдор шахсларининг ўз ишга масъулиятсизлик билан ёндашгани ва совуққонлиги оқибатида жами 10372 минг сўмлик акция дивидендлари, ишчи-ҳодимларнинг 4894 минг сўмлик иш ҳақлари тўланмагани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди ва корхона раҳбари Ф.Нишоновга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Амалдаги қонунларда ота-она бола улғайгунга қадар уни моддий томондан таъминлаши, унга ҳаммуҳри қилиши шартлиги белгиланб қўйилган. Аммо, ҳаётда ўз мажбуриятларидан қочиб, фарзандлари тақдирига эътиборсиз қараб келаётган шахслар ҳам борки, уларнинг қилмишларини асло оқлаб бўлмайд.

Бобур ДЕХҚОНОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Поп туманида яшовчи Н.Мураизов ана шундай кимсалардан. У 2 нафар фарзанди учун мунтазам равишда алимент тўламай, қочиб юрган. Сарсонликдан қарчаган С.Шаҳобиддинова прокуратурага муносабат этиди. Ариза текширилиб, Н.Мураизовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суриштирув ва тергов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилинганлиги юзасидан келиб тушган муносабатлар алоҳида назоратга олиниб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари буйича қатъий чоралар қўрилмоқда.

Жумладан, фуқаро Н.Абдуллаева ўзига тегишли бўлган 1 млн. 500 минг сўмлик 1500 кг бўғдойнинг номаълум шахслар томонидан ўзига берилб кетилгани ҳақида ИИБга ариза беради. Текшириш жараёнида унинг аризаси Мингбулоқ тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори Ф.Мираҳмедов томонидан ҳисобга олинмасдан яширилганлиги фош этилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, суриштирув органлари, терговчилар ва прокурорларнинг жиноят ишларининг тергов ҳамда материалларини ҳал этиш билан боғлиқ ҳаракатлари ва қарорлари, шунингдек, судларнинг қарорлари устидан тушган шикоятлар тегишли жиноят-процессуал, фуқаролик ёки ҳўжалик процессуал қонунчилигида қўзда тутилган муддат ва тартибда ҳамда ваколатлар доирасида қўриб чиқилиши назоратга олинган.

Хусусан, Наманган шаҳрида яшовчи О.Ҳасановнинг уни уйдан қўчириш ҳақидаги Наманган туманларо судини чиқарган қарори устидан норози бўлиб берган аризаси Наманган шаҳар прокуратураси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида суд томонидан қатор аҳамиятли ҳолатлар ўрганилмай, ишга бир томонлама ёндашилгани аниқланиб, суднинг қарори нисбатан қассия қилиб қўриб чиқилди.

Ходимнинг ҳуқуқи

Мен ўтган йилнинг кўз ойида офир касалликка учрадим. Операцияга уч ой бўлган бўлса ҳам, ҳали ўзимга тўлиқ келаганим йўқ. Врачнинг тавсиясига кўра, бир йилгача ўзимни эҳтиёт қилиб туришим керак экан. Шунинг эътиборига олган ҳолда, иш жойимдан бир йил мувадатга енгилроқ ишга ўтказишни сўрасам бўладими?

З.Аберкулова,
Чирчиқ шаҳри

Соғлигингиз тўғрисидаги тиббий ҳулоса сизни вақтинча ёки доимий енгилроқ ишга ўтказишга асос бўла олади. Лекин бунда аввалги ишингиздан фарқли равишда, иш ҳақи биров камроқ бўлиши мумкин. Ана шундай ишга ўтказилганингизда, ўша кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида сизнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақингиз сақланади.

Меҳнат кодексининг 218-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда берилмаган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқи тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Трактор сотиб олган эдим. Энди уни техник кўриқдан ўтказиб қўйиш керак экан. Бундай кўриқдан ўтказишнинг тўлови қанча?

Ф.Бокиев,
Янгийўл тумани

Тракторнинг техник кўриги

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳамда белгиланган тартибда "Ўздавтехназорат" органларида рўйхатдан ўтказилган тракторлар ва шу каби техникалар йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилиши лозим.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг 2004 йил 15 ноябрдаги 248-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, бундай техник кўриқдан ўтказиш муносабати билан энг кам ойлик иш ҳақининг кўйидаги миқдорда йигим ундирилади: тракторлар, ўзиюрар машиналар, мелиоратив машиналарга 0,08 фоизи; трактор тиркачаларига 0,04 фоизи; биринчи техник кўриқдан носоз, деб топилган шу каби техникалар такорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдордаги йигим қайта ундирилади.

Фарзанд ташвишлари

Бир фарзандим ногирон тузилган бўлиб, мустақил равишда оқватланишга қийналганлиги боис, унга бир киши доим қараб туриши керак. Шунинг учун тушлик вақтида уйга келиб кетаман. Мен каби ходимларга қонун бўйича бирон имтиёз борми?

К.Юнусова,
Қибрай тумани

Бор, албатта. Меҳнат кодексининг 229-230-моддаларига кўра, ун олти ёшга тўлмаган боласи бор аёлниг, шунингдек, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлниг ёки бекот оила аъзосини парварши қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимоси билан иш берувчи тиббий ҳулосага мувофиқ тўлиқсиз иш кучи ёхуд тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур.

Бундан ташқари, ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорига ҳақ тўланган ҳолда ойига бир дам олиш кўни берилади.

ҲУРАМАТИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ҳиқуқ» газетасининг «info@hiqq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Мен 32 йил давомда қишлоқ тез ёрдам пунктида тез ёрдам автомашинаси ҳайдовчиси бўлиб ишладим. Ёшим эллик бешга тўлади. Шу иш стажим билан имтиёзли асосда пенсияга чиқсам бўладими?

Соҳибжон Султонов,
Уйчи тумани

Эллик беш ёшдан...

Сиз имтиёзли асосда пенсияга эллик беш ёшда чиқиш ҳуқуқига эга эмассиз. Сабаби, "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасидаги умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган шахслар тоифасида сиз ишлаб келатган касб киритилмаган.

Бу имтиёз қишлоқ жойда камиде 25 йил ишлаган иختисослашган тиббий муассасаларининг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимларига тааллуқлидир.

Тўлиқ тўланадими?

Ёшим 73 да. Кўз касалликлари бўйича 2-гурӯх ногирониман. Коммунал тўловлардан имтиёзли равишда 50 фоиз миқдорда ҳақ олишар эди. Ўтган йилдан бошлаб эса, газ ва электр энергияси назоратчилари келиб, ҳақни тўлиқ тўлайсиз, сабаби сиз пенсиянгизга қўшимча равишда компенсация олаёйсиз, дейишди. Шундан келиб чиқиб, менга шу масалада ёрдам берсаларингиз.

Ж.Сирлибоев,
Мирзачўл тумани

Бу масалада шунинг маълум қиламизки, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги Фармони билан 2003 йилнинг 1 апрелидан жорий этилган эди. Ушбу тартиб бугунги кунда ҳам амал қилиб келмоқда. Ҳар ойлик компенсация тўловининг миқдори эса, энг кам иш ҳақининг 45 фоизини ташкил қилади. Мазкур тўловни:

а) ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан, ногиронлар ҳам;
б) 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва вафот этган ногиронларнинг хотинлари.

Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларига боқувчисини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари киритилади.

Компенсация пул тўловлари ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига улар оладиган пенсия туридан ва оила аъзолари биргаликда ёки алоҳида яшашларидан қатъи назар тўланади;

в) биринчи ва (ёки) иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланган шахслар;

г) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва Шўҳрат орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар, шахсий пенсионерлар;

д) фашистлар концлагерларининг собик воғга етмаган туғқунлари;
е) Ленинград шаҳри қамали даврида шаҳар қорхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган фуқаролар;

ж) кўзи ожиз 1 гуруҳ ногиронлари;
з) Чернобыль ҳалокати оқибатида зиён кўрган фуқаролар;

и) ядро полигонларида ва бошқа ядровий радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар оладилар.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.



Мен 2010 йили ноябрь ойида 55 ёшга тўладим. Касбим ўқитувчи. Шу сабабли имтиёзли пенсияга чиқиш мақсадида туман ижтимоий таъминот бўлимига тегишли ҳужжатларни топширдим. Лекин улар сиз ушбу имтиёздан фойдалана олмайсиз, ундан синф раҳбарлари фойдаланадилар дейишди. Шу тўғрими? Мен янги қонун қабул қилингунга қадар, яъни ноябрь ойида мурожаат қилган эдим. Бу қандай бўлади?

Салим Қувватов,
Касби тумани

Имтиёзли пенсия оламанми?

"Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "к" банди талаби бўйича, ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, "Меҳрибонлик" уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари — махсус иш стажы камиде 25 йил бўлган тақдирда имтиёзли асосда умумий белгиланган ёшни беш йилга қисқартирган ҳолда пенсия олишлари мумкин.

Барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза қабул қилинган кун пенсия сўраб мурожаат этилган кун ҳисобланади.

Агар ариза почта орқали юборилса ва бунда барча зарур ҳужжатлар ҳам илова қилинган бўлса, ушбу аризани жўнатишнинг почта штемпелида кўрсатилган санаси пенсия сўраб мурожаат этилган кун ҳисобланади.

Аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда, Пенсия жамғармаси бўлими қўшимча яна қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлигини ташкилот маъмуриятига ёки ариза берувчига маълум қилади. Агар улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай тақдим этилса, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш тўғрисида қарор чиқарган ҳолларда, текшириш тамом бўлиш муддатидан қатъи назар, пенсия тайинлаш учун дастлаб мурожаат қилинган сана пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган сана ҳисобланади.

Юқориде номи тилга олинган қонуннинг 45-моддасига кўра, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида қорхона, ташкилот ёки аризага пенсия тайинлашнинг рад этилиши сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатида ҳамда айни чоғда барча ҳужжатларни қайтарди.

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан туман (шаҳар) судига шикоят берилиши мумкин.

Оила ташвишлари...

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўғлим Тошкент Давлат темир йўллар институтида шартнома асосида ўқийди. Иш жойимдан қандай имтиёзлар берилади?

С.Менглибоев,
Пайарик тумани

Агар олий ўқув юртида тўлов-контракт асосида таълим олаётган фарзандингиз йигирма олти ёшга тўлмаган бўлса, амалдаги Солиқ кодексининг 179-моддасига мувофиқ, ушбу фарзандингизнинг ўқиши учун иш жойингиздан берилмаган иш ҳақи ва бошқа даромадларингизни йўналтиришингиз мумкин. Бундай ҳолда, ўқиш контрактига йўналтириладиган сумма даромад солиғи солинмайди.

Фақат биттаси

Мен 40 йиллик меҳнат фаолиятимнинг 31 йилини ёш авлодин тарбиялашга бағишладим. Шундан 20 йилдан кўпроғида мактаб директори лавозимида ишладим. Шунинг учун 55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқа оламан. 1972 йилда автоҳалокатга учраганлигим боис, ўша пайтдан буён 2-гурӯх ногирониман. Ҳар йили тиббий комиссиядан ўтиб келаман. Аризани ёзишман мақсад, 60 ёшга тўлиб, ногиронликка қолган ҳолда пенсияни олишим мумкинми? Ёки меҳнат пенсиясига чиқишга мажбурманми?

А.Абдужалилов,
Марҳамат тумани

"Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

«KOMFORT Ltd» ҚЎҚНИНГ

СОХТА ТАДБИРКОРЛАРИ



Тадбиркорлик жамият тараққийнинг бош омили эканлиги исбот талаб этмайди ҳамма қўққатди. Шу боис, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш масалаларига устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда. Соҳага доир қонунчилик базаси босқич-босқич такомиллашиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолият юритиш учун давлат томонидан қулайликлар яратиб берилмоқда.

Бундан атиги 20-25 йил аввал жамиятимиз, юрtdошларимиз учун "бизнес", "тадбиркорлик" каби тушунчалар, даярли бегона эди. Режали иқтисодиёт, ягона мафкура, давлат мулкнинг ақва ҳукмронлиги, сиёсатнинг иқтисодиётдан устушлиги шарoитида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Республикамиз ўзининг мустақил тараққий этили — бозор иқтисодиётга асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танабб олши билан барчаси бутунлай ўзгарди. Туб ислохотлар бошланиб, иқтисодий муносабатларнинг янги шакли юзага келди. Қисқа вақт ичида жамиятда тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникмаси шаклланди ва ривожланиш палласига чиқди. Бугун юрtdошларимиз тадбиркорлик, ишбилармонлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда. Бироқ, ҳамон тадбиркорликнинг туб моҳиятини англаб етмаган айрим юрtdошларимиз ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатларидан устун қўриб, турли ноқонуний ишларга қўл уришмоқда, яратиб берилган шараф ва имтиёزلарни суистемас қилиб, қонунарни четлаб ўттиша уринишмоқда. Қонуён барчага баробар эканлигини унут қўйган бундай "бизнесменлар" охир-оқибат қонуён олдига жавоб беришларига тўғри келмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида бир гуруҳ ана шундай шахсларнинг жинoий қилмишлари қўриб чиқилди.

Пойтахтликлар орасида танилиб улгурган, ўзига яраша нуфузга эга бўлган "KOMFORT LTD" қўша қорхонаси бундан ўн йилча олдин Бирлашган Араб Амирикларининг "Shehaden Trading Company" компанияси билан ҳамкорликда хориждан мебел, сантехника ва қурилиш молларини республикамизга олиб келиш ҳамда улгуржи савдо қилиш мақсадида ташкил этилган. Қўриби турибдики, мақсад эътирофга лойиқ, яъни, юрtdошларимизнинг даромадлари кун сайин ортиб бораётган бир даврда уларнинг талаби, дид ва эҳтиёжлари қондира оладиган юқори сифатли махсулотларни етказиб бериш, шунинг ортидан қонуён даромад қўриш... Аммо "KOMFORT LTD" ҚҚнинг Ўзбекистон томонидан ягона таъсисчиси Рамзиддин Абдуҷаббаровнинг асосий мақсади бундан анча фарқ қилган экан.

Рамзиддин Абдуҷаббаров уқаси Нажиддин Абдуҷаббаров билан биргаликда "KOMFORT LTD" ҚҚ негизига уюшган жинoий гуруҳ ташкил қилиб, гуруҳнинг ноқонуён савдо фаолияти би-

лан шуғулланиш натижасида даромадларни солиқлардан озод қилиш, сохта импорт шартномалари асосида олиб келинган тошларни реализация қилиш, давлат томонидан белгиланган бож ва солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаш, ноқонуён валютa операциялари, ҳужжатларни сохталаштириш, жинoий фаолиятга олинган даромадларни легаллаштириш каби жинoий фаолиятга раҳнамoлик қилиб келишган.

Р.Абдуҷаббаров бунинг учун аввалдан пухта режа ишлаб чиққан ва унга қўра, қорхона негизига олиб борилаётган ноқонуён фаолиятга қорхона мулкдорлари, яъни таъсисчилар томонидан қаршилиқ қилинишига имкон қолдирмаслик ва фаолиятни тўлиқ ўз қўлига олишининг уқдасидан чиққан.

Бунинг учун "KOMFORT LTD" ҚҚ таъсис шартномасига ўзгартириш қилиш, қорхона таъсисчилари таркибига ўзидан ташқари яна икки нафар — яқин қариндоши Саидакрам Аҳмедовни ва таъсисчи "Shehaden Trading Company" (БAA) хорижий компанияси номидан таниши А.Абдуҷаббаровни сунъий равишда таъсисчи сифатида қиритиб қўйган ва 2005 йилда қорхонанинг давлат рўйхатидан қайта ўтказган. Шу тариқа қорхона фаолияти уқсидан яқва ҳоқимлигини ўрнатиб олган.

Шундан кейин ақва-ақва "бизнесменлар" ўз атрофларига ишончли жинoий ҳамтовоқларни тўплашга қиришган. Бу улар учун қийин кемади: мўмай пул дардида юрганлар оз эмас экан. Уларга Шухратилла Бурханов келиб қўшилади. Жинoий режага мувофиқ, унга "KOMFORT LTD" ҚҚнинг раҳбарлиги топширилади. Ойига 1000 АҚШ доллари микдорида маош белгиланган бу "раҳбар"нинг вазифаси ақсидра Р.Абдуҷаббаров ва Н.Абдуҷаббаровларнинг қўрсатмаси асосида қорхонада ноқонуён фаолият олиб боришдангина иборат бўлган.

Уюшган жинoий гуруҳнинг ноқонуён молиявий фаолияти, яъни "қора бухгалтерия" ҳисoبتларини юритиш иҳтиёрий равишда гуруҳ таркибига қирган Рашван Исмоилов (расман қорхона таъминот бўлими бошлиғи) ва Е.Славиковский (қорхонанинг норасмий савдо менежери)га топширилган.

Бу орада Р.Абдуҷаббаров "KOMFORT LTD" ҚҚнинг жинoий фаолиятини енгиллаштириш ва никоблаш мақсадида ўзининг ишончли таниши Алексей Романов билан тил бириктириб, "Uventa Plus" МЧЖ ташкил этиди. А.Романов раҳбарлигидаги "Uventa Plus"нинг вазифаси "KOMFORT LTD" ҚҚга тегишли савдо дўқонларида қурилиш-таъ-

мирлаш ишларини олиб боришдан иборат бўлган. Бошқача айтганда, буюртмачи ҳам, бажарувчи ҳам бир шахс. Яъни, "қўнидан тўқилса қўнжига" қабилида иш тўтилган.

Жинoий фаолиятдан олинадиган даромадларнинг ҳақиқий эғалик ҳуқуқи ва унинг кимга қарашли эканлигини яширишнинг бу усулидан ноқонуён импорт қилинган товарлар реализациясида ҳам фойдаланиш мумкин, деган қарорга келган "бизнесменлар" қариндошлари ва яқин танишларини хусусий тадбиркорлар сифатида уюшган гуруҳга жалб қилишган.

Шу тариқа ақва-ақва Абдуҷаббаровларнинг қариндош ва яқин танишларидан А.Собиров, А.Абдуғаниев, Ф.Мирзаев, А.Абдурахмонов, М.Шакиров, Ф.Закиров, П.Шарипов ва С.Абидиновлар Тошкент шаҳрининг ўзлари яшаб турган ҳудудда гўёки хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишган ва иҳтиёрий равишда уюшган гуруҳ таркибига қелиб қўшилишган.

Бир қарашда "KOMFORT LTD" билан бу хусусий тадбиркорларнинг жинoий молиявий ҳўжалик фаолияти боғлиқ эмасдай қўринса-да, хусусий тадбиркорлар ақсидра "KOMFORT LTD" ҚҚнинг номига импорт қилинган товарлар савдоси билан шуғулланишган. Шу мақсадда қачана савдо билан шуғулланувчи хусусий тадбиркор сифатида жалб қилинган мақзур шахслар номига пойтахтнинг бир неча нуфузли жойларида савдо дўқонларини очилган.

Булар: Чилонзор тумани, Фархoд қўчаси 5-ўйда жойлашган ХТ А.Собиров раҳбарлигидаги "Комфорт Элит" дўқони, Миробод тўмани, Шаҳрисибoд қўчаси 20-ўйда жойлашган ХТ М.Шакиров раҳбарлигидаги "Комфорт Элит" дўқони, Шайхонтоҳур тумани, Абай қўчаси 22А-ўйда жойлашган ХТ П.Шарипов раҳбарлигидаги "Титан" дўқони, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур қўчаси 3А-ўйда жойлашган ХТ Ф.Закиров раҳбарлигидаги "Техножим" дўқони, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипақ йўли қўчаси 123-ўйда жойлашган ХТ А.Абдурахмонов раҳбарлигидаги "Алф мобили" дўқони, Юнособод тумани, Осие қўчаси 15-ўйда жойлашган ХТ С.Абидинов раҳбарлигидаги "Флоридра" дўқони, 2008-2009 йилларда С.Рустамов раҳбарлигида ХТ А.Абдуғаниев ва фуқаро Ф.Мирзаев фаолият юритган, 2010-2011 йиллар даромади маош белгиланган бу "раҳбар"нинг вазифаси ақсидра Р.Абдуҷаббаров ва Н.Абдуҷаббаровларнинг қўрсатмаси асосида қорхонада ноқонуён фаолият олиб боришдангина иборат бўлган.

Тармоқли савдо дўқонларини ташкил этишининг уқдасидан чиққан ақва-ақва Абдуҷаббаровлар ақсидра тўпла-тўғри Р.Абдуҷаббаровнинг қўнғатаги бориб туршган. Тармоқли савдо дўқонларини ташкил этишининг уқдасидан чиққан ақва-ақва Абдуҷаббаровлар ақсидра тўпла-тўғри Р.Абдуҷаббаровнинг қўнғатаги бориб туршган. Тармоқли савдо дўқонларини ташкил этишининг уқдасидан чиққан ақва-ақва Абдуҷаббаровлар ақсидра тўпла-тўғри Р.Абдуҷаббаровнинг қўнғатаги бориб туршган.

молиявий операциялар тўғрисида маълумот берилмайдиган ва молиявий алоқалари фoш этилмайдиган оффшор ҳудудда рўйхатдан ўтган компания — Буюк Британиянинг Виржиния оролларида рўйхатдан ўтган "Cardlex Corporation" корпорациясини гўёки товар етказиб берувчи қорхона сифатида жалб этишда. Бу компания билан ҳеч қандай расмий қелишув бўлмаса-да, импорт қилинадиган товарларнинг ҳужжатларига сохта маълумотлар қиритиб, бундай "қўлбола" шартномаларни "KOMFORT LTD" ҚҚ томонидан Ш.Бурханов, "Cardlex Corporation" томонидан ақсидра "KOMFORT LTD" ҚҚда ҳайдовчи бўлиб ишлаган Владимир Кримецлар имзолаб қелишган.

2008-2010 йиллар давомида 75 та ана шундай сохта ҳужжатларини божхона назоратига тақдим этиш орқали жинoий гуруҳ томонидан жами 3 335 153,87 АҚШ доллрлик махсулотлар Ўзбекистон Республикасига ноқонуён импорт қилинган.

Ҳудди шу усулда, яъни "Cardlex Corporation" компанияси ва "Uventa Plus" МЧЖ Урта-сида тузилган 10 та сохта импорт шартнома ҳужжатларини божхона назоратига тақдим этиш йўли билан 2008-2010 йиллар давомида 123 094,7 АҚШ доллрлик махсулотлар республикамизга ноқонуён импорт қилинган. Юқориде айтиб ўтганимиздек, "Uventa Plus" МЧЖ ақсидра ақва Абдуҷаббаровларга тегишли бўлган.

Ноқонуён олиб қиррилган ушбу махсулотлар — мебел, сантехника жиҳозлари ва турли хил сувенирлар юқоридра номлари қелтирилган сохта хусусий тадбиркорлар томонидан "Комфорт" тармоқли дўқонлари орқали хариддорларга 2-3 баробар уқсима билан сотиб юборилган.

Р.Абдуҷаббаров ва Н.Абдуҷаббаровлар бу билан ҳам қанoатланишмаган. Улар жинoий гуруҳ аъзолари билан тил бириктириш, 1 375 262 400 сўмлик товар-моддий бойлиқларини божхона назоратини четлаб ва божхона назоратидан яшириш йўли билан Республикамиз ҳудудида олиб қирришган ва "ёлланма хусусий тадбиркорлар" орқали савдо қондаларини бузган ҳолда сотиб юборишган. Бу билан давлат томонидан ўрнатишган бож ва солиқ тўловларидан қасддан бўйин товлаб, давлат бюджетига 684 330 600 сўм микдоридра зарар етказилган. Шунингдек, уюшган гуруҳ аъзолари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида муқтасил тарзда импорт қилинган товарлар — мебел, сантехника, сувенир, сув ситиш мосламалари ва бошқа рўзгор буюмларининг нархини сунъий равишда пасайтириб қўрсатиб қелишган.

"KOMFORT LTD" ҚҚ томонидан импорт қилинган махсулотлар ҳисoبت ва комиссия шартномалари асосида юқоридра номлари қелтирилган хусусий тадбиркорларга номганина уқсима нарх қўйилган ҳолда тарқатилган.

Бундан мақсад, ўзларининг жинoий фаолиятини никоблашдан иборат бўлган. Яъни, товарлар ва пул маблағлари ҳарақатининг ягона бухгалтерия ҳисoبت юритилганлигига қарамай, жинoий фаолиятларини ҳуқуқни органлар томонидан фoш этилиш

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурининг
биринчи ўринбосари

ҳoлатининг олдини олишни таъминлаш учун сохта маълумотлар қиритилган ҳисoبت ва комиссия шартномаларини тузиб, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг "KOMFORT LTD" ҚҚга алоқаси йўқдай қўрсатиб қелишган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунынинг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида барча ҳисoبتлар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади..." деган қоида белгилаб қўйилган. Аммо "Комфорт" тармоқли дўқонларида бу қонуни бузиш одад тўсига қириб қолган. "KOMFORT LTD" ҚҚдан олинган махсулотлар хариддорларга миллий валюта(сўм)да ва чет эл валютасида сотиб юборилаверган. Сoтудан туршган нақд пуллар эса, назорат қасса машинаси хотирага қиритилмаган ва тегишли тартибда банкка инкассация қилинмаган. 2008-2011 йилнинг мартига қадар ноқонуён фаолияти давомида савдодан туршган, инкассация қилинмаган 30 680 831 200 сўм микдоридраги нақд пул маблағлари белгиланган жинoий режага мувофиқ Ш.Бурханов орқали Р.Абдуҷаббаров ва Н.Абдуҷаббаровларга етказиб берилган. Шу аснода, 2008-2010 йиллар давомида уюшган гуруҳ томонидан 2 219 172 200 сўм ягона солиқ тўловлари қасддан тўланмаган ва давлат манфаатларига жуда қўп микдорда зарар етказилган.

Дастлабки тергов жараёнида айбланувчилардан биринчи беган қўрсатмасида айтилишича, "Комфорт" тармоқли дўқонларида инкассация қилинмаган ва Р.Абдуҷаббаров ва Н.Абдуҷаббаровларга олиб бориб берилган нақд пуллар микдори бир кунда савдога қараб 1 млн.дан 20 млн. сўмгача, айрим қуллари 50 мнг АҚШ доллригача бўлган микдорини ташкил этган.

Турган гапки, ноқонуён даромадларни легаллаштириш, кейинчалик жинoий фаолиятларини яхшилаш ва давомилигини таъминлаш учун Р.Абдуҷаббаров ва Н.Абдуҷаббаровлар уюшган гуруҳ аъзоларини яхшигина рағбатлантириб туришган. Уларнинг "садoқати" ва хизматларига қараб АҚШ доллригача пул муқофoтлари бериб бoрилган.

Шунингдек, назорат қилинмайдиган, мўмай даромад ортидан бoсар-тусарини йўқoтган ақва-уқалар қўша-қўша ҳoвли жойлар, дала ҳoвлилар, хориж автомобиллари сотиб олиб, ноқонуён даромадларини мулкка айлантириб қелишган.

Ҳамма нарсаининг ҳам чеки, чегараси бор. "KOMFORT LTD" ҚҚСИ атрофида уюшган жинoий гуруҳнинг раҳбарлари ва аъзолари бунинг унутиб қўйишган экан. Уларни тийқисиз нафслари суднинг қора курсисига етказиб қелди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан жинoий гуруҳнинг барча аъзоларига қилмишларига яраша жазо белгилади. Энди уларнинг узoқ йиллар панҳара ортида қoлишига тўғри келди. Айтгандай, ЖИ-ЭМларда улар ўрганганидай, мебеллар унчалик ҳам "комфорт" эмас...

Фаолиятимиз мезони

Маълумки, мамлакат иқтисодийёти нечогаик ривожланган бўлса, халқнинг турмуш фаровонлиги ҳам шу даражада юксалиб бораверади. Шундай экан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга тўлашдан бош тортиш ҳолатларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва қонунбузилишларнинг оладини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ва давлатга етказилган зарарни ундириш долзарб вазифалардан саналади.

Қонунбузилишлари бартараф этилмоқда

У.БОЛТАЕВ,
СВОЖДЛҚК
Департаментининг
Сурхондарё вилоят
бошқармаси бошлиғи
вазифасини бажарувчи

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, солиқ интизомини мустақамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, ўз вақтида тўланмаган тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш чоралари кўрилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар томонидан рўйхатдан ўтишдан ҳамда солиқ тўлашдан бош тортиб даромад қилаётган шахсларни аниқлаш, акция солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда валютага оид жиноят ва қонунбузилиши ҳолатларига қарши курашиш мақсадида ўтказилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2011 йилда жами 5 млрд. 282 млн. сўм маблагнинг давлат бюджетига туширилишига эришилди.

Бошқарма ходимлари томонидан ноқонуний фаолият юритаётган шахсларни тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш чоралари кўрилди. Шунингдек, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 2011 йилда 790 та ҳўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилиб, 954 та янги иш ўринлари яратилди. Шунга тўқидлаш жоизки, 67 нафар тадбиркорга 230,5 млн. сўмлик кредит ажратишда амалий ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида айрим ҳокимият ва тижорат банклари ходимларининг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйиш юзасидан қонуний чоралар кўрилди. Хусусан, Департаментнинг Музработ туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишда "Агробанк"нинг Музработ филиали мансабдор шахслари ва бошқаларнинг ўзаро жиноий тил бириктириб амалга оширган кирдикорлари фош қилинди. Улар компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар ва маълумотлар киритиш билан машғул бўлишган. Филиал мижозига бўлган "Тилов ҳожи Н.Ш.Ш." фермер ҳўжалиғи раҳбарини хабардор қилмасдан, унга 30 млн. сўм кредитни расмийлаштиришган ҳамда шундан 12,1 млн. сўмини ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатларсиз банк мижозига бўлган "Ахлиддин Олимжон ММТП"нинг ҳисоб-рақамига қарзларни қоплаш мақсадида ўтказиб юборишган. Айбдорларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзғатилди.

Фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан кафолатланган манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 2011 йил давомида 263 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 250 та жиноят ва 37 та маъмурий иш кўзғатилди, ноқонуний муомалага киритилган 441,5 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Бошқарма томонидан халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш ва даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш, хуфийна иқтисодий фаолият кўрсатиш ҳолларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш мақсадида зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш самараси ўлароқ, йил давомида 52 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳовлиларда ҳамда бошқа ёрдамчи ҳўжаликларда яширин цехлар фаолияти йўлга қўйилганлиги аниқланиб, 48 та жиноят ва 4 та маъмурий ишлар кўзғатилди. 64,4 млн. сўмлик истьёмолга яроқсиз маҳсулотлар ва ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спирт ва алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш диққат марказимизда бўлди. Спиртли ва алкоголь маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар назоратга олинган ҳолда тезкор-қидирув ишлари олиб борилиши натижасида 18 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 6 та жиноят ва 12 та маъмурий иш кўзғатилди. Шунингдек, 3 та ҳолатда қўлбола усулда алкогольли ичимликлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган яширин цехлар фаолият кўрсатётгани маълум бўлди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилиб, айбор шахсларга тегишли чоралар қўлланилиши таъминланди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган 2011 йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури, бу борадаги Бош прокуратура ҳайъатининг қарорлари, Бош прокурор ва Департамент бошлигининг тегишли буйруқ ва топшириқлари ижросини таъминлаш доимий эътиборимизда бўлди. Айтиш мумкинки, мазкур Дастур халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилди.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ўтган йили 1 847 та профилактика-тарғибот тадбирлари, шундан 972 таси бевосита тадбиркорлар ўртасида амалга оширилди. Бошқарма томонидан янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар ҳам ўз самарасини берди. Шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган фаолият тури билан "яширин" шуғулланаётган фуқароларга ҳуқуқий таъсир чоралари кўриш билан чекланмасдан, уларнинг фаолиятига қонуний тус бериш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган профилактика-тарғибот тадбирлари кучайтирилди. Амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида муқаддам "яширин" ишлаб чиқариш фаолиятини юритган 32 та ҳўжалик юритувчи ва яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектлари солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, янги иш ўринлари яратилди ва уларга 189 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Мазкур ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшимча 454,0 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, давлат бюджетига 134,0 млн. сўмлик солиқлар тўланди.

Мисол учун, бошқарма ходимлари томонидан 2011 йил 8 апрелда ўтказилган рейд текширувида фуқаро М.Абдурахимов Учтепа тумани, Самарбо-ну 5-тор кўчаси, 15-уйда мебель ишлаб чиқарувчи яширин цех ташкил қилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан М.Абдурахимов билан ўтказилган суҳбат ва кўрсатилган амалий ёрдам натижасида яширин цех ўрнида "Омад барака мебель" МЧЖ ташкил этилиб, 8 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Мазкур корхона 128,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда 7,6 млн. сўм солиқларни давлат бюджетига тўлади. Шунингдек, корхона томонидан 2,0 млн. сўмдан ортқ электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлиги учун мавжуд бўлган қарз тўланди.

Яққасарой туман бўлими томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида муқаддам ноқонуний фаолият юритиб келаётган ишлаб чиқариш цехи ўрнида 15 кишидан иборат, рубероид ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Ruberoid Baraka" МЧЖ ташкил этилди. Корхона 3 та корхона билан 44,0 млн. сўмлик рубероид сотиш тўғрисида шартномалар тузди.

Фуқаролар, юридик шахсларнинг муқожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ариза ҳамда шикоятларини қонуний муддатларда ҳал этиш, уларда кўрсатилган важларни тўлиқ ва атрофликча текширишга алоҳида эътибор қаратилди. Профилактика тадбирлари натижасида фуқаролар ва тадбиркорлар-

дан келиб тушган муқожаатлар асосида 200 та жиноят иши кўзғатилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи бюрократик тўсиқлар, сансалорлик ва тадбиркорларнинг талабларини ноқонуний рад этиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этилиб, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш чоралари кўрилди.

Банк ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳисоб рақамидagi маблагларни талон-торож қилиш, нақд пул бериш, кредит ажратишдаги ноқонуний ҳаракатлар ва тамағирлик ҳолатларини аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув ишлари жадаллаштирилди. Жумладан, "Global Insurance Group" МЧЖ сугурта ташкилоти ва "Агробанк"нинг Чилонзор филиали мансабдор шахслари томонидан сохталаштирилган кредит полислари ва аслида кредит олиш учун муқожаат этмаган хусусий тадбиркорларнинг номидан тузилган сохта кредит шартномалари асосида жами 1,0 млрд. сўмдан ортқ кредитлар олинди. Ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланиб, сугурта ташкилоти ва банк мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Бошқарма томонидан тадбиркор ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказган, хизмат ваколатларини суиистьёмол қилиб, тамағирлик йўли билан пора талаб этган мансабдор шахсларнинг жиноий фаолияти ҳам фош этилди. Мазкур йўналишда 46 та ҳолат аниқланиб, 49 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилди, жазонинг муқарраллиги таъминланди.

Назорат тадбирлари ва текширувларнинг сонини камайтириш ҳолда уларнинг сифатини яхшилашга, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш ва русхатсиз текшириш ўтказмаслик ишларига эътибор кучайтирилди. Амалиётда юзага келаётган ҳар бир муаммага тизимли таҳлил йўли билан ёндашиб, унинг келиб чиқиш сабаблари, имкон бераётган шарт-шароитларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва уни ҳал этишнинг оптимал йўлларини топишга ҳаракат қилинди. Тезкор-таҳлилий ва ўрганиш ишлари натижасида айрим солиқ тўловчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланганлиги аниқланди.

Корхоналар томонидан бюджет маблагларининг ноқонуний сарфланиши, давлат ва жамят мулкани талон-торож қилиш, корхона раҳбарларининг ўз вазифасини лозим даражада бажармаслиги оқибатида давлат ва корхона манфаатларига зиён етказилиши ҳолатларини фош этиш борасида олиб борилган тезкор-таҳлилий ва қидирув тадбирлари натижасида бир қатор қонунбузилишлар фош этилди. Пул маблагларининг

Жамшид Юлдашев,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари

банкдан ташқари айланишига оид 129 та ҳолатда 125,5 млрд. сўмлик ёки 2010 йилга нисбатан 25,3 млрд. сўм кўп ноқонуний товар-пул айланмаси аниқланиб, жиноят ишлари кўзғатилди.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилди. Иқтисодийнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган яширин цехларга барҳам бериш борасида 62 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 57 та жиноят ва 5 та маъмурий ишлар кўзғатилди. 18 та ҳолатда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича профилактик ҳамда амалий ёрдам кўрсатилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлигини таъминлаш, хорижий валюта маблагларини қонунга қарши равишда муомалага киришиш ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларда валюта шохобчалари олдида фаолият олиб борувчи 66 нафар фуқаро иштирок этган 9 та гуруҳлар аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Беруний кўчаси, 2-уйда жойлашган АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтохур филиалига қарашли валюта айирбошлаш шохобчасида ўтказилган тадбирларда фуқаролар З.Ш.Хошимова, Х.Я.Сайтбекова, Г.А.Қарабаева ва бошқалар фуқаро Д.А.Тулегенова ва С.И.Сағдуллаевларнинг фуқаролик паспортига 20 минг сўм муқофот пули эвазига 2 минг АҚШ долларидан жами 4 минг АҚШ долларини олган вақтда ушландилар. Маълум бўлишича, мазкур 12 кишилик қариндошлардан иборат гуруҳнинг ҳар бир аъзосига аниқ вазифалар тақсимланган. Улар ўзаро келишган ҳолда моддий рағбатлантириш эвазига бошқа фуқароларнинг паспортларини олиб, валюта айирбошлаш шохобчасидан чет эл валютасини сотиб олиш билан шуғулланишган. Текширув якунида гуруҳ аъзоларидан 4020 АҚШ долларини ва 3,8 млн. сўм пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, тезкор маълумотлар асосида экспорт, импорт ва бартер операцияларини амалга оширишда содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш, олдини олиш бўйича 65 та корхона ва ташкилотларнинг 218 та экспорт-импорт шартномалари ўрганиб чиқилди. Натижада жами 39 млн. 314 минг АҚШ доллари миқдоридида муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилганлиги ҳамда 18,4 млрд. сўм зарар етказилганлиги аниқланиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди.

Инсонпарварликнинг юксак намунаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллиги арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг еттинчи яли мажлисида амнистия тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилгани юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг мантиқий давоми бўлди, десак янглимаймиз

Мақор ҳужжат мамлакатимизда инсон шахни, кадр-қиммати улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ҳамда инсонпарварлик ва баркинглик тамойилларига тўла мос келадиган сиёсат самарасидир.

Хар бир амнистия акти давлатда инсонпарварлик, адолат тамойилларининг устуворлигидан, давлатнинг фуқароларига нисбатан ғамхўрлиги ва эътиборидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор йиллардан буйён бундай инсонпарварлик тамойили устувор аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда ушбу қарор ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом ижросини таъминлаш борасидаги ишлар Самарқанд вилоятида ҳам изчил олиб борилиб, вилоят прокуратураси томонидан аниқ режа ва дастур асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, қарорнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида вилоят прокуратураси органлари томонидан 201

марта тарғибот тадбирлари ўтказилиб, кенг жамоатчилик ўртасида маъруза, суҳбатлар уюштирилди ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинди.

Жорий йилнинг 4 февраль ҳолатига кўра, вилоятнинг туман, шаҳар жиноят ишлари бўйича судларининг биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияларида жами 1971 нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилган. Шундан 722 нафари қарорнинг 1,2,3 ва 4-бандларига асосан жазодан озод этилган бўлса, 1245 нафарига нисбатан қарорнинг 7-банди татбиқ этилиб, жиноий жавобгарликдан озод этилган. Шу жумладан, жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилиб, жиноят ишлари кўзга тириш рад этилган.

4 нафар шахсга нисбатан қарорнинг 6-банди қўлланилиб, улар манзил колонияларига ўтказилган.

Бундан ташқари, эҳтиётсизлик натижасида, шунингдек, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча

оғир бўлмаган жиноят содир этган 530 нафар шахс мақор қарорнинг 2-бандига асосан, жазони ўташга тўқинлик қилаётган оғир касалликка чалинган, 1-2-гuruh ногиронлари деб топилган 7 нафар шахс қарорнинг 3-бандига, 22 нафар шахс 4-бандига асосан жазодан озод этилган.

Ушбу қарорни қўллаш юзасидан жиноят ишини кўзга тириш рад этиш билан боғлиқ материаллар бўйича 173 та, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш билан боғлиқ ишлар бўйича 677 та, 126 та жарима жазоларини ва 628 нафар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ҳамда синов муддатини ўтаётганларга, 55 нафар жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётганларга, 7 нафар тергов ҳибсхоналарида жазони ўтаётганларга нисбатан судларга жами 1666 та илтимосномалар киритилган. Шу кунга қадар улардан 1367 таси судлар томонидан қўрилиб, қаноатлантирилган бўлса, қолган илтимосномалар кўриб чиқилмоқда. Амнистия қарорига кўра тугатилган жиноят ишлари бўйича ундирилмасдан қолган 123 млн. 500 минг 300 сўм моддий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судларига даъво аризалари киритилди.

Мақор қарор ҳамда уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг тўғри татбиқ этили-

шини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган фармойишга асосан жойларда амнистия актини қўллашда ошқоралик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутоасадди идора ва ташкилот ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳлари, шунингдек, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш бўйича тузилган ҳудудий комиссиялар фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан шу кунга қадар Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳар, Булунгур, Тайлоқ ва Пастдаргом туманларида амнистия акти ижроси юзасидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар томонидан қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида ҳисобга олиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг доимий яшаш манзилларига кузатиб қўйиш амалиёти жорий этилган. Шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғлигини тиклаш, ишга жойлаштириш, воёга етмаган-

Шўхрат ТОШТЕМИРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ларни ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчилар назоратига топириш, профилактик ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар ҳам белгилаб олинган.

Хусусан, шу кунга қадар 111 нафар шахс жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган. Уларнинг меҳнатга лаёқатли деб топилган 83 нафаридан 25 нафари ишга жойлаштирилган. Меҳнатга лаёқатсиз деб топилганлардан 2 нафари 1-2-гuruh ногиронлари, 9 нафарини нафақа ёшидагилар, 17 нафарини эса касалликка чалинганлар ташкил этади. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 74 нафар шахсга 265170 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берилди.

Жазодан озод қилинганларнинг ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш нафақат тегишли органларнинг, балки барчамизнинг вазиғамиз бўлиб, бу каби хайрли ва амалий ишлар юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам давом этади.

Чора-тадбирлар белгилаб олинди

"Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига асосан, "2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига қонунийликнинг таъминлини ахволини мустақкамлаш борасида ҳамкорликда чора-тадбирларни белгилаш" мавзусида, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 2012 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва Қуроли Кучлар қўмондонликлари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш ўтказилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори, генерал-майор Шўхрат Узоқов очиб, Юртбошимиз томонидан Қуроли Кучлар олдига қўйилган вазифалар, мавҳуд муаммолар, уларни бартараф этиш мақсадида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, Қуроли Кучларнинг жанговар шайлиги ва мудофаа салоҳиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ҳарбий хизматчиларга муносиб ва хавфсиз хизмат шарт-шароитларини яратиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар юзасидан атрофлича тўхталиб ўтди.

Кенгаш кун тартибига 2011 йил давомида Қуроли Кучларда қонунийлик ва жиноятчиликнинг ахволи, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг асосий муаммолари, ҳарбий қисмларнинг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлиги, уларнинг юз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарлар, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинчлигини бузишга қаратилган уринишларни ўз вақтида самарали бартараф этиш қобилиятини ошириш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва жанговар техникалар сақланиши ҳамда аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий ва майиший шаро-

Наврўз РАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ёрдамчиси

итларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, ҳарбий шахарчаларни куриш ва реконструкция қилиш, уларга замон талабларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада тақомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари, МХХ давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари сўзга чиқиб, қўшинларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий интизомни мустақкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика ишлари самарадорлигини ошириш бўйича маърузалар қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг Қуроли Кучларнинг 20 йиллиги муносабати билан "Ватан ҳимоячиларига байрам табриғи"дан келиб чиқадиган вазифалар ижросининг тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар томонидан бенеқсон бажарилишини таъминлаш, қўшинларда тарбиявий ишлар, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва сиёсий тайёргарлигини тақомиллаштирилишини жадаллаштириш, ҳарбий олий ўқув юрталари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини ислоҳ қилишга қаратилган тадбирларни давом эттириш, ҳарбий суриштирув ва назорат-тектишув органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва соғлигини ҳимоя қилиш ва профилактика қилиш, санитария назорати органларининг талаблари ижросини таъминлаш талаблари қўйилди.

Шундан сўнг мувофиқлаштирувчи кенгаш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, қонун устуворлигининг таъминлангани барча фуқароларга ўз иқтидорларини рўёбга чиқариш, эркин меҳнат қилиш, кўнглидагидек даромад топиш, бу орқали шахсий иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, қолаверса, юрт равнақига улүш қўйиш имконини беради. Ушбу имкониятдан қонуний асосларга фойдаланаётган юртошларимиз кўлга киритаётган муваффақиятларга мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида гувоҳ бўлиб туришимиз

Яширгани ошқор бўлди

Бирок, ҳали ҳам беш бармогини озғига тикшиши қанда қилмаётган юртдошларимизнинг борлиги ачинарли, албатта. Бу эса қонун ҳимоячиларини ҳар доим сергақлик билан фаолият кўрсатишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг Ҳоразм вилояти ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислохотларни қур-лаштиришнинг долзарб масалаларига оид Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва соҳага доир бошқа мезёрлар талабларидан келиб чиққан ҳолда нақд пул муомаласи, солиқ ва валютага оид қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда яширин иқтисодий фаолият илдзларини фож қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Биргина январь ойида валюта қимматликларини ноқонуний айирбошлаш ҳолатларини аниқлаш борасида ўтказилган тадбирлар, тезкор кидирув ишлари натижасида 5 та ҳуқуқбузарликка оид ишлар юритилди. Ҳуқуқбузарлардан 10312 АҚШ доллари, 47860 Россия рубли, 50 евро, 106000 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олинди.

Жумладан, Департаментнинг Хива туман бўлими томонидан тезкор маълумотлар асосида туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Хива шахри М.Матқаримов кўчаси, 43-уйда яшовчи фуқаро Мадамин Мадаминов фўқаро Андрей Лига 5300 АҚШ долларини 14681,0 минг сўмга сотган пайтда ушланиб, ҳужжатлаштирилган. М.Мадаминовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддасига асосан жиноят иши кўзга-тилди.

Пўлат СОБИРОВ,
СВОЖЖДЛКК Департаментининг Ҳоразм вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

ни фож қилиш ва чек қўйишга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Хусусан, январь ойида ушбу йўналишда 4 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 4 та жиноят иши кўзга-тилди. Ҳуқуқбузарлардан 15,1 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

Бир мисол: Департаментнинг Ҳазорасп туман бўлими томонидан тезкор маълумотлар асосида "Меҳринисо" ХКда табиий газдан фойдаланиш ахволи ўрганлди. Маълум бўлишича, ушбу корхона 2011 йил 2 ноябрь куни газ тармоғидан ажратиб қўйилган. Бирок корхона раҳбари Дармон Жумабоева тармоққа ноқонуний уланлишни маъқул қўрган. Хеч ким билмайди, деб ўйланган чоғи, тармоққа ўзбосимчлик билан уланлиб олган, пинак бузмай металл парчаларидан қозон ишлаб чиқариш билан шуғулланаверган. Аммо, кингир иши тезда фож этилди. Воқеа жойидан 13,9 миллион сўмлик 4230 килограмм рангли металл парчаларидан ясалган ҳар хил сифимдаги қозонлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Д.Жумабоевнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли "Ҳазорасп тумангаз" филиали манфаатларига етказилган зарар ҳисоблаб чиқилганда, бу миқдор 27,1 миллион сўмини ташкил қилди.

Д.Жумабоева қилмишлари учун қонун олдига жавоб беришга тўғри келди. Қонун устуворлигини таъминлаш нафақат қонун ҳимоячиларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Юртдошларимиз бирон фаолиятга қўлуришдан олдин аввало, қонуний асосларнинг ўрганиб олсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳаддини билмаган меҳмон

Халқимизда меҳмонга бориш ҳамда меҳмон кутиш борасида ўзига хос тартиб-қоидалар мавжуд бўлиб, улар асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган. 1985 йил Термиз шаҳрида туғилиб ўсган Евгений Мезенцев жазмани Света билан унинг ҳамкасби Р.Башилованинг уйида бир неча бор меҳмон бўлган. Аммо, сўнгги бор у ерга ташриф буюрганида меҳмоннавозлик қонун-қоидаларини унутиб қўйди. Уй бекаси билан жазманининг ташқарига чиққаннан фойдаланиб, хонани кўздан кечириб бошлади. Хонадон аҳли унчалик бой-балават яшамас экан. Шундай бўлса-да, баъзи бир нарсалар кўзига чиroyли кўринди, шекили, пайтини топиб, алоҳида келишни режалаштирди.

Нидоқ, 2011 йил апрель ойининг ўрталарида Р.Башилованинг уйига кўнроқ қилди. Гўшакни беканинг ўғли кўтарди. Ундан онаси уйда йўқлигини билгач, меҳмонга чақирилганини, шунинг учун тезда етиб боришини айтиб, гапни қиска қилди. Шу атрофдаги дўконга кирди. У ердан бир шиша арок харид қилиб, яна йўлга тушди. Эшикни Р.Башилованинг ўғли Дима очди. Е.Мезенцев ичкарига кирар экан, бегона бир йигит унга пешвоз чиқди. Маълум бўлишча, у Диманинг таниши Эдик экан.

бормиди?

— Йўқ. Мени меҳмонга чақирган эди. Майли, кутиб турарман...

Дима дарҳол меҳмоннинг хурмати учун дастурхон тузашга киришди. Толганини келтирар экан, ярми ичилган ароқ шишасини ҳам олиб келди. Шундай қилиб, меҳмондорчилик бошланди. Ароқ тезда тугаб, ўз навбатида Е.Мезенцев ҳам ўзи олиб келган ароқни стол устига қўйди. Яна ичкилик-бозлик бошланди. Бир-икки пиёладан кейин Эдик зарур ишлари борлигини айтиб, ўрнидан турган эди, Дима уни кузатмоқчи бўлди. Улар йўлакда бир нималар ҳақида гаплашишгач, Эдик чиқиб кетди.

Дима жойига ўтириб, яна пиёдаларни тўндириди. Икковлон ароқнинг қолганини ҳам ичиб тугатишгач, у ёқ-ёқ ёқдан гаплашиб ўтиришди. Кўп ўтмай ичкилик ўз таъсирини кўрсата бошлади ва бундай пайтларда гоҳида бўлса-да учраб тургани каби, уларнинг ораларидан гап қочди.

Бири али деса, иккинчиси вали, деди. Бир маҳал мезбон қалтисроқ бир нарса, деб юборди, шекили, меҳмон пиёлада қолган бир қолтум ароқни унинг юзига сепиб юборди. Бундан Диманинг янада жаҳли чиқиб кетди. Аввалига бир-бирларини сўқишди, кейин муштлашишга ўттишди.

Бир маҳал меҳмон қараса, гарчи маст бўлса-да, Диманинг қўли баланд келмоқда. Хар қанча уринмасин, унга кучи етмади. Узининг оғизлиги устига мастлиги ҳам қўшилиб, энди ўзини идора этолмай қолди. Дима билан олишиш баробарида ошхонага қандай қилгани-ю, стол устида ётган пичоқни қандай олиб, рақибига кетма-кет зарба бера кетганини ўзи ҳам билмай қолди...

Е.Мезенцев рақибни қимирламай қолгандан кейин ҳам

Рауф ЭШМИРЗОЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуროрининг
биринчи ўринбосари

пичоқ санчаверди. Айни пайтда унинг бутун нафрати шу зарбаларга жамланган эди. У ҳаммаёқ қонга белангандан сўнггина ўзига келгандек бўлди. Ҳаракатдан тўхтаб, атрофга разм солди. Бу ерга нима учун келгани ёдига тушди, шекили, хоналарни бирма-бир тинтишга киришди. Аллақадан каттагина сумка топди-да, қўлига олинган нарса борки, нималигидан қатъи назар, у қўли бўладими, тиш ювиш пастасини ёки оддий қўл соатини, жойлайт бошлади. Сумка тўлагач, олиб чиқишга тайёрлаб, йўлакка келтириб қўйди.

Қўшни хонадан фотоаппарат, плееер, радиотелефон, диск ҳамда пичоқ каби буюмлар паспортларини ҳам олиб чиқди-да, кўчага отилди. Остонадаги сумкани бўлса, эсиздан чиқарди. Йўл четига келиб, қўл кўтарган эди, "Матиз" тўхтади. У оғзига келган манзилни айтиб, машинага ўтирди. Озроқ

юрмасларидан, нима бўлди-ю энди автомашина кўзига бошқача кўриниб кетди. Шу боис, ўйлаб ҳам ўтирмай, тўхташни буюрди-да, машина тўхтаган захоти, орқа ўриндиқда ўтирганча Диманинг уйдан ўйрлаб чиққан пичоқ билан ҳайдовчига ҳужум қила кетди. Ҳайдовчининг омади бор экан, ўриндиққа тегиб, личокнинг тиғи синиб кетди. Босқинчи бўлса, бунга аҳамият ҳам бермай, энди пичоқ сопини ишга солди. Бу ҳайдовчига қўл келди ва у қаршилиқ кўрсата бошлади.

Бу ишдан бирор натижа чиқишига қўзи етмаган Е.Мезенцев шоша-пиша машинадан тушди-да, қочиб кетди. Истироҳат боғининг дарвозаси ёнигача югуриб келгач, ортига ўгирилди. Ҳеч ким йўқ. Шундагина енгил нафас олди ва паспортларга қўшиб, уйдан ўйрлаб чиққан буюмларни ҳам дуч келган томонга отиб юборди. Кейин ўйига йўл олди. Уйига келгач, қон юки қиймиларини алмаштириб, ювиниб олди. Гарчи воқеа жойидан қочиб кетган бўлса-да, барбир қўбча тушишини ҳис қилди, шекилли, сочини бутунлай олиб ташлади.

Ха, унинг севгиси алдамас экан. Кўп ўтмай, милиция ходимлари томонидан қўлга олинган Е.Мезенцев, дастлабки терговдаёқ айбини бўйнига олди...

Зарига ишонган абитуриент

«Ё заринг бўлсин, ё зўринг». Бу иборани эшитмаган одам топиламаса керак. Айниқса, бирор ўқув юртига ҳужжат топшириш тараддулиаги аксарият ёшлар ёки уларнинг ота-оналари унга янада кўпроқ урғу беришади. Агар уларга олинганта қўйилган мақсад йўлмада ўқиб, изланиб, пухта тайёргарлик кўрсанг, танагаган ўқинишга ўз кучинг билан кира оласан, дейилса борми, бекор айтибсиз, дея қарши чиқишади.



Акбар ГУРСУНОВ,
Тошкент транспорт прокуроори

Дарҳақиқат, айрим юртдошларимизнинг онига пул бўлмаса ўқишга кириб бўлмайди, ўринлар олдиндан «брон» қилинган, деган нотўғри тушушча ўрнашиб олган. Оқибатда эса, билимгига эмас, пулига ишониб, ўқишга кирмоқчи бўлганларнинг кўпчилиги фирибгарлар "тузоғи" га илиниб қолмоқда. Лочин Бектўраев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам ақлига эмас, зарига ишонди-ю, охири "куйиб" қолди.

Ҳаммаси онаси ва амрасининг ўғли Акбар билан бир дунё олмадан оғушида Қашқадарёдан пойтахт томон йўлга отланганда бошланди. Унинг бирдан-бир нияти "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКГА қарашли Тошкент темир йўл касб-хўнар коллежига кириб ўқиш эди. Аммо мактабда яхши ўқимаслиги, билимининг ҳам унчалик эмаслиги хавотирга солар, шу боис, миёсида ўқишга киритиб қўйдиган "таниш" топиллиб қолармикан, деган фикр чарх урарди. Коллежга келиб, бўжак топшириш учун турнактор бўлиб турган абитуриентларни кўрганда эса, юрагини баттар ғўлуга боса бошлади. "Шунча одам ҳужжат топширадиган бўлса, ўқишга кириш жуда қийин экан-да", дея хаёлидан ўтказди. Ўша кун ҳужжатларини топшира олишмагач, онаси Ҳамза темир йўл касб-хўнар коллежидан ишлайдиган қишлоқдоши Нозимни эслади.

— Бугун бўлмаса эртага топширасизлар, ҳужжатларингизни, — деди Мадина она фарзандларининг руҳини чўктирмаслик учун. — Нозимга телефон қилиб, гаплашиб кўрамиз. Эртага ёрдам бериб юборадим.

Мадина она аздамга экан. Эртаси кун Нозим коллежга етиб келди. Ҳамқишлоқлари билан учрашиб, энди ҳол-аҳвол сўраётган ҳам эди, уларнинг ёнида бир йигит пайдо бўлди. Нозим билан бирга ишлаган ҳамкасби Холмурод экан. Нозим уларни таништириб, нима гап дегандек, Лочинга қаради.

— Нозим ака, мабодо шу ерга киритиб қўйдиган бирор танишингиз йўқми? Агар шунақа одам бўлса, рози қилардим, —

илтимос оҳангида гап бошлади Лочин. Нозим бошини галага тикишни истамасди, шекили, «Бу менинг қўлимдан келмайди», дея бош чайқади. «Қўлимдан келганда-ку, бажонидил ёрдам бераддим».

Аммо уларнинг ўрталарида бўлаётган суҳбат Холмуродга мойдек ёқди. Ҳақиқатда, «Ўйла» қидириб юрган эди, омаднинг қарангки, ёғининг остидан чиқиб турибди. У имкониятни қўлдан бой бермай, суҳбатга аралашди.

— Мен ёрдам беришим мумкин. Лочин уни шу коллежда ишлади, деб уйдади чамаси, унга умид билан боқди.

— Ростдан ҳам ёрдам бероласизми? — Бўлмасам-чи, — деди Холмурод ишонч билан. — Ҳақиқатда кирадиган абитуриент қидириб юргандим.

Шу лаҳзада Холмурод Лочиннинг кўзига нажот фаршасидай кўриниб кетди. Улар тезда келишиб олишди. Лочин ўқишга кирадиган бўлса, унга минг доллар берадиган бўлди. Шу тарих зарига ишонган абитуриентни билим юртига жойлаш «операцияси» бошланди.

Холмурод вақтни ўтказмай, тезда Элдорни тоғди. У ким экан, дерсиз? Физика-математика йўналиши бўйича абитуриентларга репетиторлик қилувчи бу йигит 2011 йилнинг июль ойида Холмурод билан танишиб қолган эди. Холмурод ўша пайтдаёқ унинг билими йигит эканлигини сезиб, имтиҳон вақтида бирор абитуриентнинг ўрнига кириб чиқса, рози қилиши борасида оғиз очган ва уларнинг ҳамкорлиги шундай бошланганди.

Хуллас, уни уйига таклиф қилиб, бир абитуриентнинг ўрнига имтиҳонга кириб чиқишини айтган эди, Элдор таваккал қилишга қўрқиб, иккиланиб қолди.

— Сен қўрмак, — деди Холмурод уни кўндиришга ҳаракат қилиб. — Ҳаммаси жойида бўлади. Паспорт ва рухсатномаларни ўзим тайёрлайман.

Бирок Элдор рози бўлмади. Холмурод осонгина таслим бўладиганлардан эмасди. Озроқ вақт ўтиб, яна Элдорга телефон қилди-да, барча муаммони ўзи хал

"Айби борнинг ёғи қалтирайди", деган гап бор халқимизда. Тошкент аэропортининг учиб келиш зали божхона назорати ҳуқуқимиз Наврўз Аҳроров шунақа аҳволга тушди.

Ноқонуний парфюмерия

Дилмурод БАЙМЕТОВ,
Сирғали туман прокурорининг
иш ўрганувчи ёрдамчиси

"Ҳам саёхат, ҳам тижорат", дея Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай, Шаржа шаҳарларида бўлиб қайтган Н.Аҳроровнинг бу «саёхати» ўзи кутгандай яқун топмади.

"Тошкент-Шаржа" йўналиши бўйича Тошкент Халқаро аэропортига келган Н.Аҳроров қоида бўйича Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдиршига киришди. У божхона декларациясининг 6-банди, яъни товарлар ҳақидаги маълумотлар бандида хориждан ўзи билан олиб келаётган 1 дона ноутбук, 2 дона яқил телефон ва бир дона видеокамерани ёзиб кўрсатди-ю, негадир ўзига тегишли бағажда бўлган 20 литр ҳажмдаги парфюмерия суюқликлари ҳақида ёзишни "унутиб" қолдирди. У шу тариха божхона назоратчилари "қўзини шамғалат қила олам", деб хомжаёл қилган экан.

Унга тегишли бағаж ҳолислар иштирақда божхона кўригидан ўтказилган декларацияда кўрсатилмаган, божхона ходимларининг оғзаки сўровида ҳам тақдим этилмаган 39 дона металл идишларга солинган, жами 20 литр ҳажмдаги парфюмерия суюқлиги борлиги маълум бўлган.

Суд-товаршунослик экспертизаси ушбу парфюмерия суюқлиги яхши сифатга эга бўлиб, фойдаланишга яроқли эканлиги, уларнинг экспертиза бўйича умумий нархи 33 млн. сўмни ташкил этиши ҳақида хулоса берган.

Шу тариха, божхона назоратидан яширинча Республикага парфюмерия маҳсулотларини олиб киришга ҳаракат қилган Н.Аҳроровнинг саёхати унинг учун кўнғилдайдик яқунланмади.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди томонидан Н.Аҳроровга ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Уни шу қўйилган солган 20 литр парфюмерия суюқлиги давлат эгалигига ўтказилди.

/Давоми. Бошланиши ўтган сонда/



Вагон остидаги «хазина»

лардан кейин юкнинг навбатдаги партияси Москвадаги хариддорга етказилди ва Шавкатга 16 минг доллар пулни олиб келиб беришди. Уч кун ўтгач, Собир билан Абдуҳамид уникига кириб келишди ҳамда хизмат ҳақлари учун 8 минг доллар олишди.

Пойтахт ўз номи билан пойтахт. Бунга 2009 йилнинг февраль ойидан декабригача беш марта 12 кг дан юкни манзилга етказган шериклар яна бир бор амин бўлишди. Натижанда бир йил ичида 120 минг доллар "даромад" қилишди.

2010 йилга келиб, Хуршиднинг номидан Азиз исмли шахс Тожикистондан телефон қилиб қолди. Шу пайтгача бундай таклифларга рад жавобини бермаган Шавкат биринчи марта ўйлаб қўриш учун муҳлат сўради. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор эди. Биринчидан, у ўтган вақт мобайнида яхшигина даромад қилиб, "воситачи"лиги эвазига топан пулларига Фарходнинг квартирасидан ташқари, Юнусобод туманидан иккита уй, Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидан дала ҳовли, "Нексия", "Тоёта Prado", иккита "Эпика" ҳамда иккита "Крайслер-лимузин" автомашиналарини харид қилган ва уларни ҳар эҳтимолга қарши яқин қариндошларининг намуна расмийлаштириб қўйган эди. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органлар томонидан гиёвандлик воситалари олди-сотдиси билан шугулланувчиларга қарши муросасиз кураш олиб борилаётгани ҳам уни янада эҳтиёткор бўлишга ундарди.

Буларнинг барчасини яхшилай ўйлаб, таҳлил қилгач, Азизни кафега таклиф қилди ва Абдуҳамид билан Собирни ҳам чақирди. Ушбу учрашувда Шавкат уларга нималар дегани бизга қоронгу, аммо шу кундан бошлаб юк Тожикистондан тўғридан-тўғри Абдуҳамидга етказилиши ҳақида келишиб олишди. Шавкатга эса "шерикчилик"дан чиқмаган ҳолда юкнинг пойтахт орқали манзилга етказилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Бу сафар улуш бошқача тақсимланади. Яъни, энди Шавкатга 300 доллар, Абдуҳамид билан Собирга эса 1 минг 700 доллар тегадиган бўлади. Сал юқорироқда келтирилган мол-мулк эга бўлган Шавкатга табиийки, шунинг ўзи ҳам етарли эди.

Хуллас, ўша йилнинг ўзиде 61 кг. юк Москвага етказиб берилди. Айтганимиздек, энди "назоратчи" бўлиб олган Шавкат уйдера ўтиргача 18 минг 300 доллар микдордаги маблағга эга бўлди.

Айнан ўша кезларда асли тожикистонлик бўлиб, Тошкентда вақтинча истиқомат қилаётган яна бир шахс Шавкатни қора тортди келди ва у ҳам юк олиб ўтишда "воситачи" бўлишини сўради. Шавкат салкам 60 ёшни қоралаб қолган Михаил Григорьянцни анчадан бери танигани боис унга ҳам "йўқ" дёлмайдди ва уни Собир билан урчатириб қўяди. Натижанда Макшай келтирган 2 та баклажкадаги юк Москвага етказилади. Кейинчалик М.Григорьянцнинг бир гал 7 кг. йил охиригида эса яна 5 кг. йил хариддорнинг қўлига бориб тегади.

Хар қандай ишнинг аввали бўлганидек, охири ҳам бўлади. 2010 йилнинг 13 ноябри гиёвандлик савдосига қурыёр ҳақда юкни спорт сумкасига жойлашди-да, вокзалга йўл олишди...

Шундай қилиб, санокли кун-

сафардан кейин 500 доллардан хизмат ҳақи бериб туришди.

2006 йилнинг охирига келиб, маршрут салгина ўзгарди ва энди баклажклар Оренбургга эмас, балки Сизран шаҳрига юборила бошланди. Бу сафар ҳам айнан илгаригидек йўл тутилди. Қарабсизки, 2006 йилнинг сўнгги ойида 15 кг., 2007 йил давомида эса жами 60 кг. юк "эга"сига топширилди. 2008 йилга келиб, юкка бўлган талаб кунайди, шекилли, ҳар уч ойда 25 кг дан, ҳаммаси бўлиб 100 кг. юк Тошкентда бирров "мехмон" бўлиб, Россияга сафар қилди.

Бу пайтга келиб Абдуҳамид билан Собир россиялик шерикларининг ишончини қозонишди, шекилли, энди ҳеч ким ярим йўлда поездга чиқмас, балки уларнинг ўзлари белгиланган жойда баклажкларни вагон эшигидан ташқарига отиб юборишарди.

Шу орада нима бўлди-ю, Фарход иш битган бўлса-да, ваъда қилинган пуллари келтириб беролмади ва бу ҳолат хизмат ҳақларини вақтида ололмаган Абдуҳамид билан Собирнинг эътирозига сабаб бўлди. Уларнинг иддаосини тинглаган Шавкат тезда бунинг ҳам иложини топти. Фарходнинг Юнусобод туманида жойлашган квартирасида уларни учраштириб, ўрни сотишни ва шу йўл орқали қарзни тўлашни таклиф қилди. Натижанда тез кунда квартира Шавкатнинг номига расмийлаштирилди.

Буни қарангки, нафақат гамташвиш, балки омад ҳам бир-бирига эргашиб келаверар экан. 2008 йилнинг сўнгги ойлариде Тожикистондан бўлган навбатдаги кўнгирок буни исботлади. Телефон қилган Шавкатнинг эски таниши Хуршид бўлиб, у ҳам шерикчиликни таклиф қилди. Фақат бу сафар юк Москвага етказилиши керак экан. Шавкат таклифини шу заҳоти қабул қилди. Ахир, бунақа таклифга йўқ деб бўларканми? Хар қалай, 6 йиллик "тажриба"-си бор. Юндан ташқари, иши асосан юкни қабул қилиб, топшириш бўлиб, йўлдаги "бош оғрик"лардан йироқ бўлса... Унга энг маъқул бўлгани Хуршиднинг хар бир килограмм юк учун нақд 2 минг доллардан ваъда қилгани эди. Агар шерикларини минг долларга қўндиролса борми, ўзига ҳам шунчандан қолар эди-да!

Йўлдаги "хавф-хатар" ни айт-маса, Абдуҳамид билан Собир аллақачон ишнинг ҳадисини олишган, шу билан бирга, мўмай даромадга ҳам ўрганиб бўлишган эди. Шу боис, янги таклифни бажонидил қабул қилишди. Уларга айниқса, хар бир кило учун минг доллардан ҳақ олиш ҳақидаги гап ёқиб тушди.

Орадан кўп ўтмай "Раис" 8 та баклажкага жойланган 8 кг. юкни Шавкатга ташлаб кетди. Йўлга чиқши олдидан Собир билан Шоҳруҳ Шавкатнинг уйига келиб, юкни спорт сумкасига жойлашди-да, вокзалга йўл олишди...

Шундай қилиб, санокли кун-

ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Шоҳруҳ Байметовнинг автомашинаси ўриндиғи тагидан гугурт қутисидеги "марихуана" гиёвандлик воситаси, Собир Мирсалимовга тегишли автомашинадан эса 1899-1901 йилларда чоп этилган 7 дона тарихий китоблар топилди.

Айтмоқчи, ўша кун Ш.Байметовнинг ёнидан чиққан хизмат гувоҳнома ҳам бир вақтлар С.Мирсалимов томонидан қўл-бўла усулда тайёрлаб берилгани эмас, балки энди унинг ростидан ҳам "Ўзтемирўлпас" ОАЖда ишлашни билдирувчи ҳақиқий нусхаси эди. Кейинчалик маълум бўлишича, сохта гувоҳнома тез орада ярқосиз аҳволга келиб қолгани сабабли Собир бир таниши орқали гувоҳнома бланкисига Шоҳруҳнинг суратини ёпиштириб, муҳр ҳам бостириб олгач, яна ўз қўли билан исм-фамилиясини ёзиб қўйган экан.

Шундан кейин суриштирув ва текширув ишлари давом эттирилиб, охир-оқибат вагон поли остидаги яширин жой ҳам аниқланди. Тезкор ходимлар уни очиб қўришди-ю, ичидаги нарсаларни бирма-бир олиш баробарида ҳайратдан донг қотишди...

Умумий оғирлиги 26247,07 грамм бўлган 21 та пластик ишшаламга жойланган геронидан ташқари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тегишли ҳамда бошқа турдаги 100 дан ортиқ турли хил ордан ва медаллар, турли қийматдаги кумуш ва сариқ рангли тангалар, 139 та ўрамдаги металсимон жисмлар, номаълум техника воситаларининг хар хил ўлчамдаги қисмлари, 15 та ўрам симлар, 47 та ўрам метал кабел, учта турли узунликдаги резина ичак-шланг), "Нестле" ёзувли бола-лар озуқаси пакетиде оқ рангли порошоксимон кукун ва яна қўллаб турли хил металл парчалари ва ҳоказо...

Яширин жойдан топилган геронининг оғирлиги билан "жюмати"ни билганимиз холда энди экспертларнинг ҳулосасига қулоқ тутайлик: Сариқ рангли тангалар тилла бўлиб, оғирлиги 322,63 грамм, баҳоси эса 21 млн. 197 минг 878 сўм, ордена-медаллар, кумуш тангалар ҳамда бошқа нишонлар 3698,75 грамм оғирликда бўлиб, 4 млн. 583 минг 333 сўм қийматда экан. "Нестле"даги кукун эса натрий перренати(NaPO4) бўлиб, қиймати 46 млн. 969 минг 375 минг сўмни ташкил этиши маълум бўлди. Шунингдек, 139 та ўрамдаги металсимон жисмлар "молибден" деяр аталиб, баҳоси 108 млн. 36 минг сўмни ташкил қилиши аниқланди...

Бу "хазина"нинг "эгаси" эса С.Власов бўлиб, ў Москвада бундай ашёларнинг бозори чакконлигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлган экан. Шу сабабли бозорлар, таниш-билишлари ва бошқалардан сўраб-суриштириб, қиматбах о буюмларни сотиб олади ва С.Мирсалимов билан танишиб, яхшигина ҳақ эвазига уларни Москвага элиб беришни илтимос қилади. Аммо унинг ҳам режаси амалга ошмай қолди. Умуман олганда, жами 240 млн. 812 минг сўмлик қий-

Жаҳонгир ХУСАНОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

матдаги турли товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Шунингдек, олиб борилган суриштирув ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, Ш.Байметов ўзига қарашли автомашинадан топилган марихуана гиёвандлик воситасини бир кун олдин ўзи аввалдан "салом-алик" қилиб юрадиган Т.Юнусов исмли танишидан 90 минг сўмга харид қилган экан. Т.Юнусов эса қўшини М.Юсуповнинг доимий мижозларидан бири бўлиб, Шоҳруҳнинг илтимоси билан уни керак вақтда таъминлаб турган.

Бундан ташқари, аниқланишича, ўтган вақт давомида қўлидан 600 кг дан ошиқроқ микдорда гиёвандлик моддасини ўтказган Шавкат бунга қаноат қилмай, чала қўрилган уйдаги иссиқхонада етиштирилаётган лимоннинг орасига каннабис ўсимлигини экиб, парвариш қилади. Вақтисоти келган эса, ҳосилни йиғиб, оз-оздан ўзи ҳам истеъмол қилишни бошлади...

Шундай қилиб, олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида бир неча йил давомида гиёвандлик воситаларини ўтказиш билан шугулланиб келган жиний гуруҳнинг фаолиятига чеқ қўйилди. Жиноят ишини қўриб чиққан суд томонидан ҳукм ўқулиб, айбланувчиларнинг хар бири қилмишига яраша тегишли жазага маҳкум этилди. Тадбир давомида ашёвий далил сифатида олинган гиёвандлик моддалари йўқ қилиниб, яширин "хазина"дан топилган бошқа қимматбах буюмлар ҳамда жиний даромад орқасидан харид қилинган квартира, уй-жой, дала ҳовли ва автомашиналар давлат эгаллигига ўтказилди.

Мақоламизни бежиз сихат-саломатлик ва хотиржамлик ҳақида топмаган эди. Шунингдек, топганига қаноат қилаётган ёки белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиб, ҳуло йўл билан даромадга эга бўлаётганларга ҳавас қилиниши ҳақида ҳам таъкидлаётган эдик. Тан олиш керак, ана шундай йўл тутаётганлар оила аъзолари бағрида, хотиржамлик билан ҳаёт кечиришмоқда.

Бирок, ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, Ш.Турсунов билан унинг жиний шерикларига бундай ҳаловат насиб этмади. Ахир, айнан шу кимсалар томонидан бир неча йил давомида Россияга жўнатилган "оқ ажал" неча юзлаб инсонларнинг ўз домига тортиб, соғлиғига путур етказган, оилаларининг тинчини бузган. Энг ачинарлиси эса, бу иллат билан ёлма-ён юрвучи ОИТС дея аталмиш эрч вабосига улардан ҳеч бири дучор бўлмаган, деб ҳеч ким кафолат бермайдди.

Жиноятчилар-ку қонунда белгиланган жазоларини олдилар. Аммо гиёвандлик туфайли яқинларидан жудо бўлганларнинг ота-оналари-ю, бошқа яқинларининг тавқи лъазнати энди уларни бир умр ташвиб этиб юради. Бунга эса, аввало уларнинг ўзлари сабабчидирлар.



Мағлубиятсиз серияга барҳам берилди

Лондон-2012 олимпиадасига йўланмани қўлга киритиш учун астойдил курашган Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг 5-турга келиб, мағлубиятсиз сериясига якун ясади.

Бунгача бўлган 4 учрашунинг 2 тасида галаба қозониб, 2 тасида дуранг натижага қайд этган Вадим Абрамовнинг шогирдлари олимпиада йўланмасини деярли ҳал этиб бўлишган эди. Ёдингизда бўлса, 5 февраль куни вакилларимиз Тошкентда, қорли майдонда австралиялик тенгдошларни 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, гуруҳдаги пешқадамлигини мустаҳкамлаган эди. Бироқ, кутилмаганда ноябрь ойидаги БАА ва Ироқ олимпия терма жамоалари ўйинининг натижаси бекор қилиниб, ФИФА амрилик футболчилари ҳисобига 3 очко ва 3 та гол "ҳада" қилиб қўйди. Эсингизда бўлса, ўшанда ироқликлар 2:0 ҳисобида галаба қозонишган эди.

Кейинчалик маълум бўлишича, ироқликлар таркибиди сариқ карточкaları тўғрисида майдонга тушиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган футболчи ўша учрашувда ҳаракат қилган экан. Бир ҳолат одамни ҳайратга солади. Шу пайтгача бошқа китъалардаги ўйинларда қатнашиши тақиқланган

футболчининг жамоаси шарафини бемалол ҳимоя қилганини, унинг ортидан муаммолар келиб чиқганини эшитмаган эдим. Аммо Осиё қитъасида бу одатий ҳолга айланиб бормоқда. Фикримни далиллар билан мустаҳкамласам: 2011 йилги Осиё чемпионлар лигаси ғолиби Қатарнинг "Ас-Садд" жамоаси мусобақани анча олдин тарк этганди. Лекин уларни ОЧЛдан чиқариб юборган Эроннинг клуби тақиқланган футболчининг хизматидан фойдалангани учун қатарликларга техник галаба ёзилиб, мусобақага қайта тикланиши ва яқунда чемпионликини қўлга киритиши. Ёки бўлмаса, Сурия терма жамоасини олайлик. Хабарингиз бўлса, улар жаҳон чемпионатига саралаш баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси билан бир гуруҳдан ўрин олган эди. Бироқ сурияликлар ҳам терма жамоада ўйнаш ҳуқуқига эга бўлмаган футболчининг хизматидан фойдаланганликлари учун жазого тортилиши.

Ўтган йилнинг ўзида бундай ҳолатларга кўплаб гувоҳ

бўлдик. Бунга ким айбдор? ОФКни қўйиб туриайлик, билатриб, шундай қондабузарликка йўл қўётган жамоаларнинг мақсади нима ўзи? Эртага қилмишининг миси чиқиб, шарманда бўлиб қолишдан уялишмайдим? Хуллас, саволлар бисёр... Бундан эса ҳалол футбол ўйнайдиган ва футболни севадиган мамлакатлар жабр қўриши, ачинарли...

Энди ўйинга қайтасан. Учрашув олдида амалда ҳеч нарсага умид қолмаган ироқликлар ортиқча босимдан қутулишган эди. Энди уларни ютса ҳам, ютказса ҳам ҳеч ким айбламайди. Бу эса, жамоага майдонда эркин ҳаракатланиши, ўзлари истагандек ўйин кўрсатиш имконини беради. Вадим Абрамовнинг шогирдларида эса аксинча, масъулият икки қарра ошган, энди "огзи оша етай" деб турганда, бирдан вазият ўзгариб, олдиларига қўйилган вазифа мураккаблашиб қолганди.

Вакилларимиз ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ рақибга ўз майдонда босим уюштиришга ҳаракат қилишди. Натижада ироқликлар ҳимояда хатога йўл қўя бошлашди. Олимпиячиларимиз ўйиндаги ташаббусни тезда ўз кўлларига олишди. Қанотларни ишга

солганча, ҳужумлар уюштира бошлашди. Ўйиннинг 20-дақиқасида Иван Нагаев рақиб дарвозасини ишғол қилди. Аммо ўша вазиятда ҳакам Нагаевни ўйиндан ташқари ҳолатда, деб баҳолаб, голни ҳисобга олмади. Бироқ, барибир ҳисобни очиш вакилларимизга насиб этди. Шерзод Каримов бурчак тўпини амалда оширганидан сўнг рақиб ҳимоячилари хатога йўл қўйиши ва бундан Фозил Мусаев унумли фойдаланди. Голдан руҳланиб, Вадим Абрамовнинг шогирдлари ҳужумни янада кучайтиришди. Лекин ақсарият вазиятларда футболчиларимиз қулай имкониятларни кўкка совиришди. Биринчи бўлим якунлашиб бораётган бир вазиятда ҳимоячимиз Бобур Омонов тўпни шерикларига етказиб бериш ўрнига қилган ортиқча хатти-ҳаракатлари натижасида хатога йўл қўйди ва буни тузатаман деб ундан ҳам жиддийроқ хато қилиб қўйди. Бунинг оқибатида дарвозамиз томон пенальти белгиланди. Ироқ

ликлар 11 метрлик жарима зарбасидан сўнг ҳисобни тенглаштирган ҳолда танаффусга чиқиб кетишди.

Иккинчи бўлимада ироқликлар жуда фаол ўйнади. Олимпиячиларимиз эса, нимагадир ўзларини йўқотиб қўйгандек эди. Умуман иккинчи бўлимада вакилларимизнинг ўйини умуман қовушмади. Учрашув дуранг билан туғаш мумкин бўлиб турган бир вазиятда ўз дарвозасини ташлаб олдинга чиқиб борган Санжар Қувватовнинг хатоси тўғрисидаги мезбон сифатида ҳаракат қилган Ироқ олимпиячилари галабани илиб кетишди.

Энди барчаси 14 март куни Тошкентда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ҳамда БАА олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳал бўлади.

Ироқ о.т.ж. — Ўзбекистон о.т.ж. - 2:1

Голлар: Мусаев (22) - М.Саад Абдуллоҳ (45+2), Мустафо Аҳмад Абдуламир (87).



«Нефтчи» ОФК кубогига тушиб қолди

Жорий йилнинг 18 февраль куни Дубайда Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига йўланма берадиган битта ўйиндан иборат плей-офф баҳсида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси БААнинг "Аш-Шабоб" клубига қарши майдонга тушиди. Умуман олганда, шу куни "Нефтчи" футболчилари анча бўш ўйин кўрсатишди. Дастлабки дақиқаларданок, Азиз Хайдаров тўп сураётган жамоа ҳужумга зўр берди. Бу эса, кўп ўтмай ўз натижасини берди. Хислат Чилматов акин масофадан бош билан берилган зарбани қайтарди, қайтган тўпга амрилик футболчи зарба берди. Аммо тўп дарвоза устунига тегиб, майдонга қайтди. "Нефтчи"нинг учта ҳимоячиси зарбаларни томоша қилиб туришганда, "Аш-Шабоб" ҳужумчиси Исо Обайд тўпни боши билан дарвозага йўллаб қўя қолди. Голдан сўнг фарғоналик футболчилар ҳам вақти-вақти билан олдин-

га ўтиб, рақиб дарвозасига ҳавф солишга ҳаракат қилиб туришди. Аммо танаффусга қадр ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлимада эса, "Нефтчи" футболчилари бироз фаоллашгандек бўлишди. Бироқ ўз дарвозаларидан иккита тўп олиб чиқиб, яқунда 3:0 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Ўйин ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, фарғоналик футболчилар ҳар жабҳада рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди. Биргина ўйиндан хулоса чиқариш ўнчалик ҳам тўғри бўлмас, лекин Сарқисян шогирдлари плей-офдан ўтган тақдирда ҳам ОЧЛда муваффақиятли иштирок эта олмайдигандай кўринди. Жамоада етакчиликни ўз қўлига оладиган футболчи топилмади. Бундан ташқари, стандарт вазиятлардан ҳам унумли фойдаланиш бора-бора жамоада яхшигина муаммолар бор. Учрашув давомида бир нечта стандарт вазиятларига эга бўлган "Нефтчи" футболчилари уларнинг бирортасини ҳам ҳавфли вазиятга айлантира олишмади. Шунингдек, ҳимоя жуда бўш ўйнади. Бу ўринда ҳимоя марказини мустаҳкамловчи Ислам Тўхтажувоевнинг жамоани тарк этгани яққол сезилиб қолди. Умуман олганда, Сарқисян шогирдларида етарлича муаммолар бор эди.

"Нефтчи" ўша ўйинда мағлубиятга учраган бўлса-да, халқаро мусобақалар билан хайрлашгани йўқ. Фарғоналик футболчилар ОФК кубогига Хиндистоннинг "Салгаокар", Уммоннинг "Дофар", Иорданиянинг "Ал-Вихдат" жамоалари билан бирга "D" гуруҳидан жой олди. "Нефтчи" ОФК кубогигада дастлабки учрашувни 7 март куни ўз майдонларида "Ал-Вихдат"га қарши кураш олиб боришади.

"Аш-Шабоб" — "Нефтчи" - 3:0



Спорт хабарларини Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

21 февраль оқшомида Европа чемпионлар лигасининг 1/8 финал учрашувлари доирасидаги "ЦСКА" ҳамда "Реал" клублари ўртасида кечган қизиқарли баҳсда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Дастлаб, Криштиану Роналду 28-дақиқада "Қироллик клуби"ни олдинга олиб чиқди. Португалиялик ҳужумчининг жарима майдончасидан ҳақ оёғи билан берган зарбаси дарвоза тўридан жой олди. Ҳисоб очилганидан сўнг иккала жамоада ҳам гол уриш учун имкониятлар етарли бўлди. Аммо, барибир меҳмонларнинг бир бош банд эканлиги сезилиб турди. Шундай бўлса-да, москваликлар қўшиб берилган вақтда ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Эслатиб ўташим, жаов учрашуви 15 март куни Мадрид шаҳрида бўлиб ўтади. "ЦСКА" — "Реал" Мадрид - 1:1

Голлар: 0:1 - Роналду (28), 1:1 - Вернблум (90).

Huquq

юрidik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusufboy GOIPOV
Svetlana ORTIQOVA

Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-3954. 51 075 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nashratchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhib: M.DAMBAROV
Nashratchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligi 2008-yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9772010761004